



## ОЙЧИНОР

Айтувчи: ҚОДИР РАҲИМОВ

Езиб олиб, нашрга тайёрловчи: АБДУМУ-  
МИН ҚАҲҲОРОВ

Қадим ўтган замонда Бойсин тоғдан тубанда, Ҳисор тоғ-нинг остида, Кўкбулоқнинг устида, Каттапай деган ҳавор<sup>1</sup> бор эди. Бу жой Назарбой деган бойнинг яйлови эди. Назарбой беадат катта бой эди. Унинг олти минг қўйи, минг туяси, минг бияси, минг ғунони, минг дўнони, минг эшаги, минг тойхари<sup>2</sup>, минг товуғи ва минг хўрози бор эди. Ўзи мингани отга, кўчгани эшакка зор эди. Устида минг жойдан ямалган чопони бор эди. Олтмишдан ошган эди, тишлари тушган эди. Иягида тўрт тук соқоли бўлиб, у ҳам носга ботган эди. Тўртта хотини бўлиб, саккиз фарзанди бор эди. Чўпоннинг ҳақидан қўрқиб, ўғилларининг барини чўпон қилиб, туя, бия боқтириб қўяр эди. Тўрт хотиннинг бир қўйлаги бўлиб, эшикка чиққиси келган хотин уни кияр эди, Энг қисқаси, Назарбой шундай «қўли очиқ», «сахий» бой эдики, бировдан қарз олса, ҳўкиз ёки тошбақа толга чиқувга берар эди... Ана шу бойнинг Холёр деган чўпони бўлиб, унинг Эрназар деган чокари бор эди. Бой бир йил мол боқтириб, иккаласига бир ярим қўй энчига берар, агар қўйларидан биронтаси ўлса, уни ҳам бермай қўяр эди. Ўлмас овқат бериб қўй боқтириб юрар эди.

Холёрнинг пешонасида бир қизи бор эди. Отини Ойчинор дер эди. Ун еттига тўлган эди. Худо ҳамма ҳусни унга берган эди. Қадди-қомати ҳуснига мос тушган эди, чаккасидаги кокили эгвидан ошган эди. Эшикка чиқса, унинг

<sup>1</sup> Текислик.

<sup>2</sup> Тойи ҳар — эшак боласи, хўтик.

ҳуснига маст бўлиб, сўфитўрғай, каклик, бўдана — жами қушлар беадат сайрашар эди. «Қизимга кўз тегмасин», деб сочбоғига тўдана<sup>1</sup> тақиб қўяр эди. Холёр чайласини Алами деган жойга тикиб, шу ўртада қўй боқиб юрар эди.

Бу жойда Ойчинорнинг тенгдошлари йўқ эди. Бир ўзи зерикиб кетар, шунинг учун арчага ҳалинчак осиб, ашула айтиб юрар эди:

Тўда-тўда қизларга-я, охува<sup>2</sup>  
Бир тўдана тол керак-а, охува,  
Заҳари бор замбирга-я<sup>3</sup>, охува,  
Ширин-шакар бол керак-а, охува.

Бол-болгина, болгина-я, охува.  
Сой бўйида толгина-я, охува,  
Қизни сулув кўрсатар-а, охува,  
Ўнг бетиди холгина-я, охува.

Толдан химич сивдирманг-а, охува,  
Ярамайди, сабовга-я<sup>4</sup>, охува,  
Агар бойдан ёр қилсанг-а, охува,  
Қўшилсан моховга-я, охува.

Осмондаги турналар-а, охува,  
Икки ўтар бир йилда-я, охува,  
Икки ошиқ бирикса-я, охува,  
Бир йил бўлмас бир кунча-я, охува.

Қушдан қўрққан бўдана-я, охува,  
Чиқолмайди далага-я, охува,  
Юзи очилган қизлар-а, охува,  
Минг йил қолар балога-я, охува...

Ҳалинчагимнинг боғи-я охува,  
Бир-бирига интизор-а, охува.  
Моллар бўлди иззатта-я, охува  
Меҳнат қилган хору зор-а, охува,—

---

<sup>1</sup> Тўдона — тол ва бошқа шу хилдаги дарахтлар ёғочидан тайёрланадиган тақинчоқ.

<sup>2</sup> Оху воҳ — турли жойларда «охува», «охуво», «оҳ-воҳ», «оқво» тарзида талаффуз қилинади. Қўшиқларнинг томоққа чертиб куйланадиган махсус тури ҳам шу номда юритилади.

<sup>3</sup> Қовоқари.

<sup>4</sup> Савашга.

деб охува айтиб, ўз кўнглини ўзи хушлаб юрар, молларни боқинига ёрдам берар эди. Холёр бобо ҳам қариб қолган эди. Чокари Эрназар йитирма ёшларда бўлган, қадди-қомати ҳам йўлбарсдай ўсган эди. Холёрининг ўғлидай бўлиб қолган эди. Холёр: «Насиб қилса, қизимни Эрназарга берман, иккуёв қилиб оламан-да»,— деб юрар эди. Ойтути момо ҳам буни билар эди. Эрназарнинг ҳам умиди бор эди-ю, лекин бу гапни ҳеч кимга айтолмай юрар эди. Ойчинорнинг ҳам юзини аниқроқ кўролмаган эди. Ойчинор ҳам буни ҳеч ўйламаган эди. Бир куни Ойчинор ҳамма ишларни қилиб, ҳалинчагини олиб, ҳалинчак учгани булоқнинг бошига борди. Юзини сувга юзиб, ҳалинчакни арчага осиб, чанқовузун қўлга олиб, уни чалиб, ҳалинчак уча бошлади. Шу вақт шитирлаган товушни эшитиб, қараса, бир айиқ тикка келаётир. Ойчинор арчага чиқиб кетди. Айиқ ҳам арчага келиб тирмаша бошлади. Ойчинор: «Энди ўлдим. Аттанг, ота-онамдан айриладим»,— деб бехосдан кўзини юмиб, чиққириб юборди. Ойчинорнинг қулоғига пастдан қий-чув, қарс-қурсиллаган товуш келди, кўзини очиб қараса, айиқ ерда сулаб ётибди. Эрназар пичоғини суртиб турибди. Буни кўриб, Ойчинор бехосдан Эрназарга тикилиб қолди. Эрназар ҳам уни кўриб, пичоғини қинига содоломай, тикилиб қолди.

Эрназар бугун қўйини булоқнинг бошига ҳайдаб келаётган эди. Чанқовузунинг товушини эшитиб: «Бир томоша қилайин»,— деб иусиб келаётган эди. Шу вақт чанқирган товушни эшитиб қолди. Югуриб келиб қараса, бир қиз арқоннинг устидан, пастдан бир айиқ арчага чиқиб бораётир. Югуриб келиб айиқнинг бошига урди. Айиқ гурс этиб йиқилди. Яна уч-тўрт марта пичоқни уриб олиб, суртиб турган эди. Ойчинорнинг ҳусини кўриб ўзини батамом йўқотиб қўйган эди. Бир-икки дақиқадан сўнг сўзлаёлмас тилларига сўз келиб, бошига ақл, билағига куч келиб, ўзини тўхтатолмай бир сўз айтиб турибди:

Қўй ҳайдадим дара билан дарага,  
 Бўри келса, зулм қилар подага,  
 Паримисан, пайкармисан, нимасан,  
 Қокилингдан мингта жоним садага.

Булбуллар сайрашар боғнинг гулида,  
 Минг тўти сайрашар ўнгу сўлида,  
 Одамзодни алдайдиган жинмисан,  
 Улдиран ханжарнинг борми қўлингда?!

Кўрганда ақлим бўлди ҳайрона,  
Юрак мулки бу кун бўлди вайрона,  
Мендан бошқа кўрган бўлса юзингни,  
Қолгани бормикан бўлмай девона?!

Еки менинг бахтим кулиб боқдим,  
Сув оқмас сойлардан сувлар оқдим,  
Бир кўриб ҳайрона бўлдим, найлайин,  
Кўкдан қуёш, ердан зумрад чиқдим?!

«Қиз бўлиб аврайдн», дейди аждаҳор,  
Олишсанг бўларми сенга баробар,  
Ростидан айт, қайси жинсдан бўласан,  
Не бўлсанг-да, мени қилма интизор.

Кўй боқиб кезганман тоғу тошларни,  
Кўз солиб қарарман адир-даштларни,  
Маконингни айтгин гул юзли дилбар,  
Йўлингда янчайин азиз бошларни.

Бу гапларни Ойчинор эшитиб, ҳайрон бўлди. «Мени Эрназар акам танимасмикни ёки мени мазах қилаётирми? Ке, мен уни мазах қилиб бир сўз айтмай?»— деб Эрназарга қараб, бир сўз деб турибди:

Жилғасойдир Бобохоннинг<sup>1</sup> ораси,  
Олидан кўринар Кўйтон дараси<sup>2</sup>,  
Мен аслимни чўпон сенга айтайин,  
Кўҳи Қофда Ойша пари боласи.

Ойдин дейди асли менинг исминни,  
Жинларга қўшмагин менинг наслимни,  
Аслим пари, Кўҳи Қофдан бўламан,  
Қиш қиларман баҳор бўлса фаслингни.

Қешин-ёзин Кўйтон тоғнинг боши қор,  
Бир ёнида лойқаланган Аму бор,  
Жамолнинг мишга подшо кўргандир,  
Мишгаси ҳам мишг шаҳарда дарбадар.

Бир кунда қуёшман, бир кунда пари,  
Кел, десам, келади кўкдан ой бери,

<sup>1</sup> Тоғнинг номи.

<sup>2</sup> Бойсун тоғ тизмаларининг охири.

Хоҳласам тилламан, хоҳласам зумрад,  
Чиқ десам, ирғалар гулларнинг бари.

Аждаҳор бўлолмас менга баробар,  
Тилнимда минг хилда ўқир тилсим бор,  
Қаҳрлансам бўлолмайсан баробар,  
Агар кулсам ҳеч бўлмайсан хору зор.

Бу дунёдан энди куйиб ўтарсан,  
Кўҳи Қофга борган билан нетарсан,  
Кўҳи Қофнинг олтмиш йиллик йўли бор,  
Боргунингча саксон ёшли бўласан.  
Саксон ёшга тўлганингда эй, полвон,  
Кампир олганингман, уни нетасан?!

Шунда Эрназар нима деярини билмай қараб тура берди. Ойчинор айтди:— Айниқни нега ўлдирдинг?

Эрназар айтди:— Сенга қараб бораётган экан. Сени одам боласи деб ўйлаб бул ишни қилдим.

Ойчинор айтди:— Тўғри иш қилдинг, бу айниқ эмас, бир дев эди. Менинг изимдан уч кундан бери қувиб келаётган эди. Шу ерда мени чарчатиб, энди ушламоқчи бўлган эди. Бу дев сендан анда қолди.

Эрназар айтди:— Эй, пари! Сенинг йўлинг олтмиш йиллик бўлса ҳам излаб бораман. Яна юзингни бир кўрмасам дунёда юриб энди нима қиламан.

Ойчинор ўйлашиб: «Бунга бор десам, қўйни ташлаб йўқолиб кетар,— деди-да,—эй, чўпон йиғит! Сен мени излаб овора бўлиб юрма, менинг ўзим ҳар ҳафтада бир марта— қўйни соғиш вақтида, чоршанба кунда шу ерда бўламан. Хоҳласанг, шу ерга кел. Ҳозир бўлса молнинг кетди, уни излаб боравер»,— деб Эрназарни алдаб-сулдаб жўнатди. Узи арчадан тушиб уйга жўнади. Узининг қилган ишига ўзи кулиб, Эрназарнинг қилигига ҳайрон бўлиб, энасининг қошига кириб борди. Эрназар билан бўлган сирни ҳеч кимга айтмади. Орадан кунлар ўтди. Янаги чоршанба кун Эрназарни кузатиб юрди. Эрназар молларни ҳайдаб келиб Ойтўти момога айтди:— Ҳов, янга! Бугун молларингизни соғдиролмайман, тоғнинг қатида иккита мол қолиб кетган, шуни олиб келаман. Ойчинор энасига энгашиб:— Қўйлар ҳозир келди, деб айттинг,— деди.

— Айланай, Эрназаржон! Қўйлар ҳозир изингдан келди, кўрмай қолибсан-да,— деди кампир. Эрназар нима деярини билмай, қизариб:

— Мен пичоғимни ташлаб келган эдим, тез олиб келай,— деди.

Ойчинор энасига:— Мунча шошасан, пари кўрдингми, денг,— деди астагина. Ойтўти момо бу гапни ҳам Эрназарга айтди. Эрназар роса уялиб кетди. Шу вақт Холёр бобо келиб қолди-да:— Ҳой, Эрназар! Сенга нима бўлди? Еки биздан айнидингми, пичоғинг ҳам қинида турибди. Сендан умидим катта. Бизни алдама, қўйларни момонгга соғдиравер,— деди. Эрназарнинг юзи қизариб, индамай, молларни соғдираверди, ичида бўлса, Ойтўти момони аямай сўкаверди, бунинг қилигига Ойчинор билдирмай пиқ-пиқ кулаверди. Ҳар чоршанба шундай бўлаверди, Эрназарнинг ранги сўлиб бораверди. Эрназар ҳар чоршанба паридан умид қилиб тураверсин, гапни Назарбойдан эшитинг.

Назарбой бир куни ҳамсоясининг отини тилаб миниб: «Бир қўй ва подаларимни айлашиб кўриб келай», деб жўнади. Айни чоштгоҳ-чошгоҳда Холёбнинг капасининг устидан чиқиб қолди. Ойчинор ҳам: «Эрназарнинг рангини тоза сарғайтиб юбордим. Бир кўнглини кўтариб келай», деб айни эшикдан чиққан вақтда Назарбойга дуч келди. Назарбой от устида келаётган эди, Ойчинорни кўриб қолди. Рангида ранг, томирида қон қолмади. Кўзлари тиниб, боши айланиб, дармони кетиб, бутун дунё, моли-жони эсидан чиқиб, отнинг устидан ағдарилиб ерга тушди. Бир вақт хаёли жойига келиб, нос отиб, кайфини чоғлаб, Холёрнинг бўсағасига келиб, Ойчинорга қараб, бир сўз деб турибди:

Келганга ўхшайди даври-давроним,  
Аламида<sup>1</sup> жойлашган-да мақоним,  
Оч юзингни танда жоним айлансин,  
Учди-кетди, ҳеч қолмади имоним.

Савдогарлар қатор-қатор порини,  
Нор устига юклашади молини,  
Учди-кетди, ҳеч қолмади имоним,  
Жаҳон кўрдимикан сендай парини.

Какликлар сайрашар тоғнинг устида,  
Беданалар йўрғалашар пастада,  
Жаҳон кўрдимикан сендай парини,  
Сен келдингми кўкдан жоним қасдида...

<sup>1</sup> Жой номи.

Бедовга ярашар олтиндан тўга,  
Пигитга орқадир бор бўлса ога,  
Хуснингни бир кўрган минг йил ўлмайди,  
Азиз жоним юришингга садага.

Олдинга қўяйин таида жонимни,  
Йўлингга сочайин барча молимни,  
Азиз жоним юришингга садага,  
Сенга топширайин ҳарча, боримни.

Ёв келса ботирлар чиқар қалъадан,  
Кўрқоқ шурни тополмайсан даладан,  
Сенга топширайин ҳарча, боримни,  
Ковушингни қилдирайин тилладан.

Отанга айт, Чинор, Назар келди, де,  
Ҳамма молни келиб сенга берди, де,  
Олмос билан дур қадайн сонингга,  
Беш кун ўтса мендай бойни ўлди, де!

Ойчинор бу сўзларни эшитиб, ҳайрон бўлиб: «Бу кимга айтяпти, нега бундай сандироқлаб қолди», деб Назарнинг гапини ўзинча нодонлик билиб, мўсафиднинг бундай айтиб тургани эриш билиниб, кулиб юборди. Ойтўти момо нима деяриши биямай қолди. Назарбой айтди:—Ҳов, Ойтўти момо! Эрингнинг олдидаги ҳамма мол ўзларингники, сўйганингни сўйиб, сотганингни сота беринглар. Мен бориб хотинларимнинг бирини сўфи қилиб, олдиларингга иккита одамни эртага юбораман. Улар қизни омин қилишади, қалинини келишади. Огзинг тўлганича оласан. Агар сен ёки эринг «Қизимни бермайман», десанг, кўргилигингни кўрасан. Дунёдан йўқ бўлиб кетасан. Мендан қочганинг билан қутулмайсан. Ерга кирсанг қулорингдан, осмонга чиқсанг оёғингдан тортиб оламан,— деди. Шунда Ойчинор гапирмоқчи бўлган эди, Ойтўти момо қўймади. Назарбек отига миниб жўнаб кетди. Ойтўти момо қизига қараб, кўзига ёш олиб, бир сўз айтиб турибди:

Осмонимни энди булут босдимни,  
Кўкдан яшви кенг боғима тушдимни,  
Нега кўрсатасан қизим юзингни,  
Олло ёки сенинг ҳушинг олдимни?!

Гулни кўрса эшак бориб чайнайди,  
Ўтти кўрмай ердан чайдиш қайнайди,

Қайтиб берай қизим сени Назарга,  
Бўстониимни энди кимлар қийнайди?!

Ешлигингдан ғамлар тушди бошингга,  
Алам тортсанг кимлар келар қошингга,  
Эссиз болам, на юзингни кўрсатдинг,  
Қўшарман деб эдим тенггу тўшингга.

Энди болам, осмон қайда, ой қайди,  
Камбағалга кулфат тушар ҳар жойда,  
Аттанг, қўшолмадим тенгу тўшингга,  
Эссиз болам, йиғлаганман не фойда.

Не савсарлар<sup>1</sup> қадди ёйдай букилди,  
Букилганда кўздан ёшлар тўкилди,  
Во дарифо, болам, сендан айрилдим,  
Юрагимга бугун ханжар суқилди.

— Қайга борса, бой-бой-да, камбағалнинг зори кимга етади. Сени ўз тенгдошингга қўшолмадим,— деб кўзига ёш олаверди. Ойчинор айтди:—Энажон, асло ғам еманг, Назарбойнинг иложи менга етмайди. Узи отамдан катта бўлса, айтди-қўйди-да. Уйлар, худо инсофини берар, бу кеча ухласа, эртага эсидан чиқиб кетар.

Бу кун кеч бўлди. Холёр бобо ҳам Эрназар билан молдан келди. Ойтўти момо ҳамма гапни Холёрга айтди. Холёр бобо бирон нарса демади. Бармошогини<sup>2</sup> тишлаб, ўйлаб қолди-да, «хай аттанг-а!» деди. Бу кун ўтди. Эрталаб молларни ҳайдаш вақтида икки отлиқ салом бериб кириб келди. Капага кириб чордона қуриб ўтирди. Эрназар молни ҳайдаб кетди. Ойчинор эшикка чиқиб, капанинг орқасига ўтди. Бу келган кишилар совчилар эди. Бирини Оқамон, бирини Олтиёр дер эди. Булар Назарбой овулининг оқсоқоллари эди. Улар номини еб:—Эшигингга мол келди, бошингга давлат қуши қўнди, ҳеч кимга буюрмаган бахт сенга келди,— деб Холёрга қараб, бир сўз деб турибди:

Холиёр, қулоқ сол айтган сўзимга,  
Эшигингга бир дошииманд чол келди,  
Узгага кўнмасанг кўнгин ўзимга,  
Бўсағангга адо бўлмас мол келди.

<sup>1</sup> Не бир ман-ман деган йигитлар маъносига. Сувсар теллаҳ кийган йигитларга ишора.

<sup>2</sup> Бош бармогини.



Ўйлаб кўрсам, укам, бахтинг чопибди,  
Ўтган кеча хон Назарбек келибди,  
Келганида ой қизингни кўрибди,  
Қулчиликка бизлар келдик, Холиёр.

Авлоди паст деб эсига олмади,  
Улуғларнинг қизларини олмади,  
Ўзгаларни ҳеч ҳам сенча кўрмади,  
Совчиликка бизлар келдик, Холиёр.

Қулоқ солгин энди, бўтам, сўзимга,  
Мен айтайин, сен ишонгин ўзимга,  
Олтин билан нуқра берди қўлимга,  
Рози бўлаб, ма, олавер, Холиёр.

Элу халқнинг одатига қарайин,  
Балки ундан эиёдароқ берайин,  
Қапча дейсан, қалин молин сўрайин,  
Ҳеч тортишмай айта бергин, Холиёр.

Нўқ-да, десанг, сўнгра ўзинг биласан,  
Бир уруғдан сен айрилиб қоласан,  
Қалин олмай сўнгра қизинг берасан,  
Ҳар томонни ўйлаб айтгин, Холиёр.

Бу сўзларини Холиёр эшитиб, нима деярини билмай қолди. «Йўқ, қизимни Назарбекка бермайман»,—деса, эртага Назарбой келиб қилгиликни қилади. «Бор молимни тортиб олади. Унинг устига қизимни ҳам зўрлаб олади»,—деб ўйлаб қолди. Эри хотинига, хотини эрига қарайди. Ҳар дарди ичда, иккаласи ҳам нидамай тура берди. Шунда Оқамон:— Ҳов, Холиёр! Бизларни ҳаяллатма, нима дейсан, айтабер?! Шу қизингни Назарбойга берасан, бермай иложинг йўқ. «Зўр билан кўрда уят йўқ», дейишади. Қандай қилса ҳам қизингни олади. Энди ўйлаб-печиб ўтирмай, қалин молини айта бер,—деди. Холиёр нима деярини билмаётир, Ойтути момо зор-зор йиғлаётир. Оқамон «жавобини бер!» деб дўқ ураётир. Шунда Ойчинор чидаб туролмай:— Ҳов, совчилар, бизнинг одатимиз қалин молини қиз айтади. Айтган молини топса, қиз рози бўлиб тўй бўлади. Тополмаса, қиз олгининг ўзидан ўзининг кўнгли қолади. Менинг қалиним шу бўлади,—деб икки оғиз сўз айтиб турибди:

Булбул ошно бўлар боғнинг гулига,  
Номард чиқолмайди марднинг йўлига,  
Муштипарман қалинимни айтаман,  
Бек бобожон, қулоқ солгин тилима.

Қулоғимга таққан олтин зиракмас,  
Сув ичмайини ўсган фақат теракмас,  
Ўнта қўзи қалинимга керакдир,  
Ўнтасидан бошқа менга керакмас.

Қим танимас мард йигитнинг зўрини,  
Боғла десанг, боғлар деву парини,  
Қўтонимга олиб келиб боғласин,  
Йигирмата даштда юрган бўрини.

Нишонага урса, танир мерганни  
Номард қурғур мақтаб юрар кўрганни,  
Полвон бўлса олиб келиб боғласин,  
Бўсағамга икки ўн беш арслонни.

Майдонда билинар йигит полвони,  
Одамзоднинг кам-кам кетар дармони,  
Ўнг ёғимга олиб келиб боғласин,  
Кўйтон тоғнинг камни йўқ қирқ қоплони.

Қамлик кўрмай йигит қадди букилмас,  
Кўнгил қўйиб тўқиган тўн сўкилмас,  
Эллик айғир чап ёғимга боғласин,  
Шунда кўзим гавҳар ёши тўкилмас.

Ҳар нарсадан қодир эгам сақласин,  
Кўролмаганларнинг кўнгли доғласин,  
Мендан нари кўринган ул тўбага,  
Олтмиш бешта ахта оп кеп боғласин.

Йўл танобин тортган бедов пироқдир<sup>1</sup>,  
Йигитнинг йўлдоши қўлда яроқдир,  
Олиб келсин яна саксон саркани  
Бул саркалар бир чибичга<sup>2</sup> керакдир.

Гавҳар гавҳар билан турса очилар,  
Эшитиб онг бу сўзимни совчилар,

<sup>1</sup> Пироқ — учқур от.

<sup>2</sup> Бир ёшли улоқ.

Тўқсон тахта олиб юрсин туяга,  
Бу сўзларни сизга айтди Ойчинор.

Бу гапларни ҳаммаси бирдай эшитди. Шунда Оқамон айтди:— Хув, қизим! Ўзи эсинг жойидами ёки бировга бериб юборганмисан? Бу нима деганинг. Мен печачека жойга совчи бўлиб борганман, қизу қиз, бева зотининг ҳам ўз қалинини ўзи айтганини эшитганим йўқ. Ҳа, майли, сизларда «қизнинг ўзи қалинини айтади», деганинг ҳам рост дейлик, қанчадан-қанча қўю эчкилар, отлар, туялар, олтин кумушлар, зебу зийнатлар турганда бўлмагур нарсаларни айтиб нима қиласан?! Унта қўзи, шу ҳам гап бўлади, уни нима қиласан?! Ўттизта арслон. Ёки уни боғлатиб, бўкиртпирасанми! Қирқта қоплон эмиш! Уни боғлатиб тишини санайсанми? Элликта айғир — бу бўлади: минсанг — кўлик<sup>1</sup> сотсанг — пул, олтини бешта ахта, бу ер ҳайдаса ҳам, сотса ҳам бўлаверади. Саксонга сарка бир чибичга дейсанми? Чибич уни бошига урадимми?! Сарканинг чибичдан фарқи борми? Ундаи кўра така сўрамайсанми? Тўқсонга тахтани нима қиласан? Ёввойиларга том<sup>2</sup> қиласанми? Бу гапларни қўй! Баччалик қилма, олтин, тангалар, зебу зийнатлар, сурув-сурув қўй, эчкилар, оту туялар талаб келгани! Сенинг орқангдан отанг бечора ҳам бир дунёга келгандай бойиб олсин. Э, қаранг-а! Арслон, қоплон, бўри... буларни олдириб келтириб отангдан ҳам ажрамоқчимисан? Ҳа, лаббай? Ёки Назарбойнинг буларга кучи етмайди дейсанми? Йўқ, қизим! Ул бир жойда ўтириб туриб, ҳаммасини бир зумда топтиради.

Ойчинор айтди:— Бу нарсаларни бой бобо бир жойда туриб топшига ишонаман. Агар тона олса, қудрати етса, майли, айтганларимни топиб келсин, топиб келолмаса, ўзидаи кўрсин. Қуриган дарахтга сув қуйган билан кўкармайди. Айтган нарсаларимни топса, майли келсин, тўй қилса, тўй қилсин, қанча тўкса-тўксин, у ёғини ўзи билсин,— деб туриб жўнади.

Совчилар ҳам:— Бу қизиқ бўлди-ку, сизлар нима дейсизлар?—деб қизнинг ота-энасига қарашди. Холёр бобо нима деярини билмай қолди. Ойтути бўлса:— Айланай, огажонларим! Қизим шундай ўжар, айтгани-айтган. Майли, олиб келмиглар деганини олиб келаверинглар, ўзи ҳисобини қилар-да,—деди. Икки совчи кулишиб:— Бу арзон

<sup>1</sup> Кўлик — улов. Юк ортिलाдиган ёки қишлоқ орасида миниладиган от.

<sup>2</sup> Том — уй.

га тушди-ку, бадавлатнинг молини бадавлат ея олмайди, деганлари шу экан-да,— деб жойдан туришиб жўнаб кетишди. Чолу камбар:— Ойчинорнинг гани бошимизга бир бало бўлмасин-да,— деб қолиб кетди.

Икки совчи кун бота-кун бота Назарбойнинг оқ ўтовига етди. Назарбой жойдан туриб:— Қани, муллалар, келинлар, яхши ўқиб келдингларми? Бўрими, тулкими? Оқ туяни кўрганларнинг йўқми?— деб сўради. Икки совчи отдан тушиб:— Оқ туяни кўрмадик, яхши ўқидик, бўри бўлди. Бўрининг ҳам зўри бўлди, бедов отнинг тери бўлди, чўповининг манглайининг шўри бўлди, истагани тоғда ётган бўри бўлди,— деб Оқамон билан Олтиёр хохлашиб кула берди. Назарбой совчиларни оқ ўтовга киргизиб, олдига дастурхон ёзиб, икковига икки тўн кийдириб сўради:— Қандай, қизи кўндими ёки йнглаб қолдими, нима бўлди, ганраверинглар?— деди.

Шунда Оқамон туриб айтди:— Эй, бой ота! Аввало қизи кўнди, ўз қалибини ўзи айтди. Шуларни топса, Назарбойнинг қўйинга ўн беш кунлик ойдай бўлиб қираман, деди.— деб Ойчинорнинг айтганини бирма-бир айтди. Шунда Назарбой айтди:— Ҳов, совчилар! Бул қийин савдо бўлибди-ку, бу нарсаларни қаердан, қандай қилиб топса бўлади. Ўн-ўн беш овчи билан битиш қийин, энди нима қиламиз?

— Бой ота,— деди Оқамон,— бу нарсаларни мол, пул топади. Ўтган кун Каттапойнинг нариги томонига ўтган эдим. Қарасам, сонсиз аскар; бари қуроланган полков йиғитлар. Уларга учрашиб: «Сизлар қаердан, қандай бекликка қарайсизлар?» деб сўрадим. Улар айтди: «Биз бекликка эмас подшоликка қараймиз, жойимиз — Андижон, Самарқанд, подшомиз Бомбир, подшога шу жойдан кўрган соламиз. Бу ҳаворларга бугдой, арпа экамиз». Ана шуларга: «Шунча нарса бераман, манга шу керак» десангиз, бирпасда топиб беради...

Бу гап Назарбойга хўп яхши бўлди, маслаҳатни бир жойга қўйди, бугун ётди, эртасига тонг отди. Назарбой Оқбўз отини миниб, энг яхши кийимларини кийиб, бор-йўқ мўйловини бураб, таиглайга мисқол носни тайлаб, Бомбир қайдасан, деб жўнади:

Эрта билан жойдан,  
Тура берди бул Назар,  
Эйшигида човқар кўк  
Созлай берди бу Назар.  
Бошидаги саллани,  
Қайта-қайта ўради,

Тиззасида бир ойна,  
Қайта-қайта қаради.

Човкар кўкнинг олдига  
Шундай Назар боради,  
От ёнида узанги,  
Оёғини тиради.

Бир имтилди Назарбек,  
Минолмай от белига,  
Қарибманми деган сўз,  
Бир кеп кетди кўнглига.

Отни тошга етаклаб,  
Аста олиб боради,  
Тош устига чиқиб сўнг,  
Човкар кўкка мшади.

Боқувдаги бедов от  
Олиб кетиб боради,  
Назарбекнинг ақили,  
Гоҳда шошиб боради.

Бедов отнинг жиловин  
Маҳкам ушлаб боради,  
Бул ишига ҳайрон бўп,  
Лабин тишлаб боради.

Хуркмасин деб худодан  
Умрин тилаб боради,  
Улмаин бу чўлда, деб  
Кўзин ёшлаб боради.

Гоҳ эгарнинг бошидан  
Икки қўллаб ушлайди,  
Агар бедов имтилса,  
Ўзинг кейин ташлайди.

Шундай қилиб бу Назар  
Аста кетиб боради,  
Ҳуши ўзига келиб,  
Атрофига қаради.

Каттапойнинг устида  
Кўп одамни кўради,  
Излаганим шулар, деб  
От бошини буради.

Яқинлашиб борган сўнг,  
Бир гердайиб қаради,  
Тама қилиб бойлигини:  
— Бомбир ким?— деб сўради.

На бир саломни берди,  
На бир аликни олди,  
Уч-тўрт одам қошига:  
— Тўхтанг, бобой,— деб келди.

От жilовин бирови  
Маҳкам қилиб ушлади,  
Назарбекни бирови  
Ерга олиб мушлади.

Мис қопланган этиклар  
Биқинига тушади,  
Ниқтаб урилган муштлар  
Кўкрагини тешади.

— Ўлдим!— дейди бул Назар,  
Товба қилиб туради,  
— Билдирай,— деб,— саломни,—  
Ундан баттар уради.

Гоҳ товба дер, гоҳ салом,  
Туролмайди жойидан,  
Биров келиб кўтариб  
Турғизтирди бўйнидан.

Шунда Назарни турғизиб:— Қани энди гапир! Узинг ким бўласан, қайси беклик ёки хонликдан келасан, бу жойларда не сабабдан юрасан?— дейишди. Назар қаради: Мурти шопдай, уртлари қопдай, туриши бургутдай, кўзи ёнган ўтдай бир киши тикилиб:— Қани гапир?— деяётир. Назар ичида: «Бомбири шулмикан, шул бўлса керагов»,— деб жойидан туриб, икки букилиб, қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилиб:— О, улуғ саркор Бомбир! Сизда арзим бор

эди,— деди. Утирганлар хохлашиб кулишиб қолди. Назар ҳар тарафга қараб, аланг-жаламглаб қолди. Шунда ҳалиги мўйловдор: — Бомбиринг ким?— деди. Назар айтди:— Менинг бир одамим шул ёққа келган эди. У сизларнинг бошлиқларингизни Бомбирбой деди. Шунга мен бир арз билан келмоқдаман.— Узинг қасрдансан?— деб сўрашди.— Менинг турган жойим—Сувсиз тоғининг пастидан бўламан, менинг отим Назар, отамнинг оти Эрназар,— деди. Шунда ҳалиги мўйловдор:— Ундай арз билан келган бўлсанг, Бомбир эмас, бу гапнинг билан ўлиб кетасан. У кишининг номлари Амир Бобир шоҳ деб аталади. У киши ҳов кўринган оқ чодирнинг ичларида туради. Отингни бир чақирим берман<sup>1</sup> боғлаб, отдан тушиб, ҳар ўн қадамда бир эгилиб, барча адабни сақлаб борасан. Арзингни қабул қилар, у ёғини ўзинг биласан,— деди. Бу гапни эшитиб, Назарбой отини буриб жўнади.

Қаранг энди Назарди  
Раинги рўйи бўзарди,  
Бир хил-бир хил сўзига,  
Икки бети қизарди.

Аввал отни созлади,  
Отга ўзин ташлади,  
Йўлга отини буриб,  
Оқ чодирга тезлади.

Остидаги пироғи,  
Бўлсин исн, чироғи,  
Қўрққанидан тепсиниб  
Кетаётир юрағи.

Оқ тепага боради,  
Атрофига қаради,  
Ярим чақирим ердан  
Оқ ўтовни кўради.

Уттанг, энди ўлдим, деб  
Бўлганимча бўлдим, деб,  
Не сабабдан бу ерга  
Авваласи келдим, деб...

<sup>1</sup> Бериғи томон.

Отни кейин тортади,  
Қўп ташвиши ортади,  
Энди бундай ташвишининг  
Жабирини тортади.

Панада кириб тилга,  
Тушиб қолди бир чўлга,  
Отни бориб бойлади  
Ярим чақирим йўлга.

Аста тушиб жўнади,  
Сапаб оёқ босади,  
Ун қадамни босганда,  
Бирдан таъзим беради:

Бўлди бугдой савара,  
Чарчаб борар тобора,  
Овлақ йўлда шул Назар  
Бўлиб борар овора.

Гоҳ-гоҳ жойда суринди,  
Пачақ қилиб буруинди,  
Бобирбекнинг чодирч  
Аранг энди кўринди.

Эгиллиб борар бели,  
Шалвираб қолди қўли,  
Бўри қувган итдай бўп  
Оспилиб қолди тили.

Оқ кўйлакда хол бўлса,  
Сувсиз қолган тоя бўлса,  
Энди мушча эзмайин  
Олтмиш яшар чол бўлса.

Одам қарир, кўнгли гул,  
Галдан чарчармикан тил,  
Кўнгли билан бул тилини  
Олиб кетмас ўтса йил.

Қаранг Назар эзиллиб,  
Гоҳда кўнгли бузиллиб,  
Босиб кетган излари  
Кўк мушчоқдай тизилиб.



Илла етиб боради,  
Қаддин ростлаб олади,  
Оқ чодирнинг олдида  
Қўп аскарни кўради.

Аттанг, энди ўлдим, деб,  
Нега бунда келдим, деб  
Унда еган муштимдан  
Бу жойда ҳам едим, деб...

Юролмайти, қоп кетди,  
Кун ҳам чоштгоҳга етди,  
Билмай қолди, аскарлар  
Икки ёғидан тутди.

Судирашиб боради,  
Назар нима қилади,  
Юрмайман деса балки,  
Бошгисасин олади.

Сув олмабди мешига,  
Қолди куннинг кечига,  
Олиб борди аскарлар  
Оқ чодирнинг ичига.

Шунда Назар қаради,  
Кўрмаганин кўради,  
Ана бойлик, кўп давлат,  
Кўзи ёниб боради.

Уй бошига қаради,  
Бир полвонни кўради,  
Эси жойига келиб,  
Энди салом беради.

Шунда Назарбой ўзига келиб:— Ассалому алайкум,— деди. Саломига алик олди. Назарбой кўзини бундай очиб қараса, умрида кўрмаган буюмлар, тилла жиғалар. Эси кетиб турган эди.— Утиринг.— деди. Бир ёш йигит тўрда чордона қуриб ўтирибди. Бошида тилла тож қўндирилган салла, устида зарбон тўнлар, мурти лаб устида ўзига ярашиб турибди. Ўзи полвон сиёқли, бургут қабоқли, ҳар эғни қирдай, қарашин тўқайдаги шердай. Унг ва чап томонида башанг кийинган икки мўйсафид, қўлларида тасбеҳ, ҳалиги йигитга мунтазир бўп турибди. Буларни кўриб Назарбой «Бобир шоҳ дегани шул йигит бўлса керак»,

деб нафаси ичига тушиб, ели чиққан мешдай бўп утириб  
тура берди. Шунда ҳалиги йигит:— Ҳов, бобо! Сиз қаердан  
бўласиз, нима сабабдан бу ерга келдингиз?— деб Назар-  
бойга қараб, икки оғиз сўз айтиб турибди:

Тани<sup>1</sup> букилмасин, бобо, бўйингиз,  
Бузилмасин, обод бўлсин уйингиз,  
Аввал, бобо, соғлигингиз сўрайин,  
Қаерларда ўйнаб-ўсган жойингиз?

Ризқи учун ёғар кўкдаги ҳаво,  
Айрилган қўшилса, дардларга даво,  
Авлодингиз, зотингизни сўрайин,  
Отингизни нима дейди, бек бобо?

Тарзингиз кўринар ғариб бечора,  
Айрилиқ худодан бўлса не чора,  
Елғон деманг, ростин айтинг, бек бобо,  
Не сабабдан бул жойларда овора?

Ҳар доимда ёрқин бўлсин, ойингиз,  
Оти кимдир қишлоқдаги бойингиз,  
Не сабабдан сиз бўлдингиз саргардон,  
Нима деб от қўйган қиблагойингиз?

Ёки бобо, бекдан фармон бўлдим,  
Ё аскарлар бор-йўғингиз олдим,  
Жабр кўриб, жафо тортиб чўлларда,  
Сиздай бобом бул жойларга келдим?

Ё молингиз дашту чўлни босганми,  
Шул сабабдан сизга жабр тушганми,  
Қарганда ишқ балоси тармашиб,  
Шунинг учун сиздай бобом шошганми?

Бир хил бойлар йиғолмайди молини,  
Мол қўшсам деб кетказади ҳолни,  
Ёки бобом, мавридли иш тушдим,  
Етмайдими келинигиз қалини?!

Айтинг, бобо, энди бунда қарайин,  
Бизга кепсиз, кунингизга ярайин,

---

<sup>1</sup> Ҳеч ҳам.

Нима экан кўнглингизда гапингиз,  
Тиласангиз, нима бўлса берайин.

Шунда Назарбой Бобирнинг бу гапларини эшитиб:  
«Нима десам экан! Еки тила деганда, мана бу тилла, ан-  
жомлардан сўрасаммикан?! Йўқ, бу ҳали кетадиганга ўх-  
шамайди. Бойлигинин биллиб қолса, бир баъло қилади. Ке,  
буни қўяйин, арслон, қоплонларни айтайин, бир қиз ол-  
моқчиман, деб бул жойда кулгу бўлмайин, бир бева эди,  
деб айтайин», деб қаддини ростлаб, Бобир эканлигига  
ишониб, икки оғиз сўз айтиб турибди.

Олдингизда иззат кўрмай қарзим бор,  
Бир ғамхона, ғамли бўлган тарзим бор,  
Сувсиз тоғдан олдингизга мен келдим,  
Қабул қилингиз сизга айтар арзим бор.

Арзим билан тингланг айтган сўзимди,  
Бу сўзларни сизга айтмоқ лозимди (р),  
Жангиллида<sup>1</sup> менинг жойим, қишлоғим,  
Отам қўйган, Назар дейди ўзимди.

Жангиллида қатор-қатор толлим бор,  
Ишлай берсам, бир йигитча ҳолим бор,  
Худо берса, приққим<sup>2</sup> ҳам кам эмас,  
Ўзимга етадиган, шукур, молим бор.

Бир гап билан бу бобонгиз келгандир,  
Ешлигида севиб хотин олгандир,  
Яратганим ажратди-да, кайлайин,  
Қариганда бахти қаро бўлгандир.

Уғлим бордир, жўнади у ошига,  
Қизим бордир, ул ҳам ўзини ишига,  
Торат сувин илитгани кишим йўқ,  
Рўзгор тушди бобонгизнинг бошига.

Ҳамсоялар хотин ол деб қўймайди,  
Ўтгиз яшар бева хотин қўймайди,  
Қанча одам қўйган эдим орага,  
Барчаси тег деган билан тегмайди.

<sup>1</sup> Жой номи.

<sup>2</sup> Приққим.

Питик битмай<sup>1</sup> киши хотин олмайди,  
Тешик мунчоқ ҳеч ҳам ерда қолмайди,  
Кўндиришди, қалинини айтибди,  
Буни топиш ҳеч қўлимдан келмайди.

Бедовга ярашар олтидан тўга,  
Йигитга орқадир гар бўлса оға.  
Қалин молин сиздан бошқа тополмас,  
Шуйтиб олдингизга келдим садаға.

Шунда ўтирган чол ва беклар:— Ов бечора бобом! Сизга ҳўп қийин бўлибди-да, сизга ёрдам бермоқ савоб иш,— дейишди. Шунда Бобир:—Қанча қалин айтди, айтнинг бобо, менидан қанча истайсиз?— деди. Шунда Назарбой:— Эй, Бобир шоҳ! Сизга айтганини йўқ, энди илож йўқ айтайин! Ул бева аёл: «Унта кўзи, йиғирмата бўри, ўттизта арслон, қирқта қоплон, элликта айғир, олтмин бешта ахта, саксонта сарка, тўқсонта тахтани туяга ортиб, куёв ўзи билан бирга олиб келсин!» дебди. Унта кўзи, элликта айғирга ҳам, олтмиш бешта ахта, саксонта саркага ҳам, тўқсонта тахтага ҳам иложим етади, лекин йиғирмата бўри, ўттизта арслон, қирқта қоплонга иложим етмайди. Эй, Бобир шоҳ, аскарларингиз бор экан, шунга сиз ёрдам бермасангиз, менинг бошқа иложим йўқ,— деди. Бобир ўйлаб қолди. Назарбой ичида: «Оббо, бўлмади-я! Бунинг ҳам иложи етмади-я! Энди нима қилсам экан?»— деб турган эди. Бобир:— Ҳов, Назар бобо! Ўзингиз печода бўлгансиз, тўғри-енин айтнинг?!— деди. Назарбой: «Ўзимни ёш қилиб айтмоқчи бўлсам, олтмишда деб қўяман. Тўғри, ёшим олтмиш бешда бўлди. Йилим — харгўш<sup>2</sup>», деб ўйлади-да:— Олтмиш ёшдаман,— деди. Бобир кулиб бошини ирғати-да, мулозимларига:— Сизлар нима дейсизлар куёвнинг гапига?— деди. Мулозимлар бир оғиздан:— Эй, шаҳаншоҳим! Дунё устида юриб бундай беванинг ёки қизнинг қалинини ёшигганимиз йўқ. Ёки бу нарсаларнинг гўштини ейдиган элат бўладимики? Бизлар бу гапга боятдан буён ҳайронимиз!— дейишди. Шунда Бобир Назарбойга қараб бир сўз айтиб турибди:

Мерган ҳайдар отин тоғнинг пастидан,  
Ҳар кимин сақласин ажал қастидан,  
Авваласи мен гапингга ишондим,  
Нега гапирмадинг, бобо, ростидан?!

<sup>1</sup> Битадиган иш битмай.

<sup>2</sup> Қуш.

Кўнглингда сен оқ байталнинг тойсан,  
Қишлоғингнинг гапга етар шойсан<sup>1</sup>,  
Не сабабан бунда ёлғон гапирдинг,  
Энди билдим сен бойларнинг бойсан.

Ким бўлади сенга бунда кўнгли тўқ,  
Кўкрагимдан тейди дейсан нага ўқ,  
Бири ўлса, бири бордир албатта,  
Ҳали сенинг бахтинг қора бўлган йўқ.

Мол йиғибсан, нага ақл йирмадинг,  
Шу ақлман келиб бизни алдадинг,  
Тенг-тенгига, тезак — ола қопига,  
Деган сўзни қариганда билмадинг.

Ёки сен бир бой қизга ошиқ бўлдингми,  
Қизга эмас, мулкка эга бўлдингми,  
Еш қиз бўлса нима қилсин ўзингни,  
Уялмайин сўнгра бунда келдингми?

Қариса одамга ақл келмасми,  
Келган билан бир хил бетак<sup>2</sup> олмасми,  
Ўн ёшга кирганда ўғил болалар,  
Берамлиги кўзидайин бўлмасми?!

Йигирмада йигит бўлар бўридай,  
Ўттизида ҳайқирини арслондай,  
Қирққа борса, қирқта тоғни отгудай,  
Интилиши бўлмасмикан қоллондай?!

Эллигида айғир отдай ўйнайди,  
Майдон бўлса не ғанимни қийнайди,  
Олтмиш бешда бошланади, ҳай дариг,  
Отга минмай ўзин кейин тайлайди.

Саксонингда ҳеч саркадан фарқинг йўқ,  
Уйтиб-буйтиб овқат есанг, кўнглинг тўқ,  
Ўлмасанг ҳам фарқинг қолмас ўликдан,  
Ингирайсан, балки келиб теккан ўқ.

Не бўлса-да сени олдин кўрибди,  
Сендай чолнинг бунда шўри қурибди,

<sup>1</sup> Шоҳсан.

<sup>2</sup> Бетак — тағсиз, тағи паст одам.

Қиз бўлса ҳам ақилига ҳайронман,  
Доноликни унга худо берибди.

Насия эмасди, асли нақтимдан,  
Бир сабабман мен айрилдим бахтимдан,  
Агар шундай бўлса эди вазирим,  
Сарсон бўлиб кечмас эдим тахтимдан.

Энди йўлда териб юргин тошингни,  
Бесойиб қолдирар эдим лошингни,  
Рост турганда нага ёлғон гапирдинг,  
Бу гап учун кесар эдим бошингни.

Қайга борсанг энди ёлғон демагин,  
Тенгнинг топсанг, ўз тенгнингдан қолмагин,  
Азиз каллам турсин десанг жойида,  
Қиз қошига оламан деб бормагин.

Бу гапни Назарбой эшитиб, шолиси сувга кетиб, икки қулоғи битиб, ё туролмай, ё бир сўз айтолмай қолиб эди қотиб. Шунда қошидаги мулозимлардан бири туртиб:— Туринг, кечирим сўранг! Жоннигизни ўзингизга омонат қолдирди,— деди. Шунда Назарбой ўзига келиб, жойидан туриб, таъзим қилиб, ёлғон гапирганига кечирим сўради. Шунда Бобир:— Менинг сўзларим ёлғонми, бу қалинни бева айтганми?— деди. Назарбой юраги дириллаб, ўпкаси шириллаб:— Эй, тақсир! Ҳаммаси рост, мени кечиринг! Мен оламан деган бева эмас, қиз эди. Чўпоним Холёрнинг қизи эди,— деди бошини эгиб.

— Нечта хотиннингиз бор?— деди Бобир.

— Тўртовгина,— деди Назарбой. Ўтирганлар хоҳолашиб кулиб юборди. Назарбой ер ёрилмади, ерга кирмади.

— Хўп, майли,— деди Бобир,— мен сизни бир марта кечирдим. Қани, мулозимлар, бойни меҳмон қилинглар,— деб фармон берди.

Шунда Бобирнинг ўнг томонида ўтирган киши жойидан туриб:

— Эй, шаҳаншоҳ! Меҳмонни менга беринг, ўзим бир меҳмон қилай; бул жойларнинг баланд-пастлари, элатлари, бойлари — ҳаммасини сўраб билайин,— деб таъзим қилиб турди. Шунда Бобир:— Майли меҳмонни сизга бердим, яхшилаб меҳмон қилинг!— деди. Бойга:— Юринг!— деб ташқарига олиб чиқди.

Назарбой эшикка чиқиб қараса, бу чодирдан бошқа чодирлар кўп, ёдамлар сон-саноксиз, ишлаб кўрган солиб ётибди. Ҳалиги киши Назарбойни бошлаб, чеккадаги бир чодирга олиб борди. Бу чодирнинг оғзида ҳам икки-уч киши хизмат қилиб, таъзим қилиб турибди. Ҳалиги киши буларга рухсат бериб, Назарбой билан ичкари кирди. Утириб, фотиҳани юзга тортиб сўрашди.

Шунда ҳалиги киши:— Сизнинг отингиз Назарбойми? Менинг отимни Қайсарбек, деб айтади,— деб Назарбойга қаради. Кўрди: кўзи олайган, рағидан қони қочган, ияги билан манглайи тирншиб кетган, нафси катталик қилиб, тишини ҳам кўшиб ютган. Муштдай каллага ўраган салласи эиндан ошган; имтилаётир Назарга етгудай, агар етса ямламай ютгудай, халқумида бир туя индамай ётгудай. Назарбой: «Эй, худо! Ёмондан ёмонига тутилдим, энди ўзинг сақла?! Уч йилдан кейин бир улоғим садақа», деб калласини ерга ташлаб тура берди.

Қайсарбек Бобирнинг ўнг қўл вазири эди. Бобирнинг отасига ҳам вазирлик қилган эди. Ундан бирон ёмонлик кўрмаган эди. Бобирни ҳеч хушламас эди. Бобир қизининг донолигини айтаётганда юраги орқасига тортиб кетган эди. Вазирлик қўлдан кетгудай бўлган эди. Шунинг учун Бобирдан олдин қизни бирон нарса қилишни кўнглига тутиб, Назарбекни эргаштириб келган эди.

Қошини кериб, қобоғини читиб Назарбойга қараб:— Ҳов, Назар, энди шундай қиласан, мендан кечка кечаси икки йигитни оласан, бировга билдирмай борасан, қизнинг хапасини кўрсатиб берасан, йигитлар қизни олиб келади, Агар бу гапни мендан бесўроқ бирор кишига айтсанг, бор мол-мулкингдан, хотин-халажиңдан, танапни овора қилиб юрган бошингдан айрилсан. Оқ туя кўрдингми?— деди. Назарбой айтди:— Йўқ!

— Ҳа, баракалло! Унда қўлимдан келган ёрдамимни сендан аямасман.— деди. Иккови бир жойда гурунглашиб ётди, кун ҳам кеч бўлиб кетди. Шунда Қайсар Келдиёр ва Бердиёр деган навкарларини чақириб:— Ов, навкарлар! Мана бу бой билан бирга йўлга тушасизлар, қайси уйни кўрсатса, шу уйдан бой кўрсатган қизни олиб келасизлар! Бу сирни биров билса, бошларинг билан жавоб берасизлар,— деб бойга қўшиб жўнатди.

Ой туғар печадан неча,  
Ойлар ҳам қоронғи кеча,  
От бели маҳкам боғланди,  
Билмай қолди бир неча.

Сарғайыб тоғиниң зарайы,  
Эйида миятқ-паранги,  
Жўнаётур-да сой-сойдан,  
Кечаси тошдай қоронги.

Белга бойлаб нефихон,  
Агар бермаса олар жон,  
Ияртыб<sup>1</sup> ол жўнади,  
Назарбойдай беймон.

От солиб тоғиниң ўрига,  
Дуя келсин энди бўрига,  
Жўнай берди учови,  
Муштишар қизиниң шўрига.

Эйида совут ширқиллаб,  
Боқилган отлар дирқиллаб,  
От ўзин силкиб ташмаса,  
Устида Назар ниқыллаб.

Навкариниң бири Бердиёр,  
Кенг дунёви қилар тор,  
Кўп навкариниң нчида  
Қассоб деган номи бор.

Келдиёр дейди бирини,  
Чопсам дер Назар қарини,  
Ундай-бундай шиларда  
Нечовинаг берган шўрини.

Нўлин сўрашар шул бойдан,  
Тикка таш ташар ҳар жойдан,  
Қамчи еган бедомлар,  
Ҳаккалаб ошар сой-сойдан.

Таёқ қил бўлмас уқатти,  
Учови ҳайдайдн отти,  
Ур келса тикка тавдатар,  
Шиддатман тақим тебратди.

Келбеди Назар ейивиб,  
Оларман деб-да, суюниб,

---

<sup>1</sup> Эргаштириб.



Юр деб қистайди навкарлар,  
Кетаётирда куйиниб.

Қўй ҳайдаб эди Регардан,  
Узук олбеди заргардан,  
От тикка ташлаб кетганда,  
Улдим деб ушлар эгардан.

Навкарлар ўқни сургудай,  
Назар дўзахни кўргудай,  
Гап қайтарса буларга,  
Иккови ушлаб ургудай.

Хайда деб зарда қилади,  
Назарнинг жонини олади,  
Тортса агар от жиловин,  
Билди-да тайин ўлади.

Қийган чопонлар сўкилган,  
Қадди эгарда букилган,  
Иягидаги тўрт соқол  
Тут баргидай тўкилган.

Тутилган ойдаи бўп юзи,  
Овлоқда қолди-да ўзи.  
Чопиб ташласа навкарлар,  
Бехабар қолди ул-қизи.

Навкарнинг Назар мулкидай,  
Нима ҳам қилсин овлоқ жой,  
Шумпийиб кетиб боради,  
Тозидан қочган тулкидай.

Тим қоронғидир кечалар,  
Уз холин билмас нечалар,  
От шамолига иргалар,  
Иўл бетидаги арчалар.

От ҳайдар феъли қоралар,  
Қоралар эмас, қарғалар,  
Тўп отилгандай гурсиллаб,  
Қолаётирда даралар.

Қамчи устма-уст чатилди,  
Тупроқ кўкка отилди,

Қўкка етган тупроққа  
Ойнинг юзлари тутилди.

От чопди баланд-пастидан,  
Ким куймас зolim дастидан,  
Отни чопишиб учови,  
Борди уйнинг устидан.

Тўхтатди учови отти,  
Ҳайвонлар жабри тортди,  
Ҳайло, деб Холёр уйини  
Назар бетамиз кўрсатди.

Шунда навкарлар отни кечалар чопиб, Назарбойни ол-  
дига солиб, ярим кечада Холёрнинг уйига етди, тўхтатди  
отди, қилсам деб қиёматди. Уй бўсағасига яқинлашиб бо-  
риб Келдиёр отдан тушди, итлар ҳам бов-бовлашиб тар-  
машди. Қўйлар ҳам ҳуркиб кетди. Холёр бўри келдими,  
деб ташқари чиқди. Кўрди, уч отлиқ турибди. Отлар эн-  
тикиб, пишқириб турибди. Буларнинг келиши яхшиликка  
ўхшамайди, нима деярини билмай тура берди. Шунда от-  
дан тушгани Холёрнинг қошига келиб:— Сен кимсан?—  
деди.— Мен Назарбойнинг чўпони Холёр бўламан,—деди.  
Неча фарзандинг бор?—деди.—Биргина ёлғиз чўригинам  
бор,—деди.—Шул ёлғиз чўригинангни олиб кел! Бизга  
берасан,—деди.—Нега сизга бераман, бундай дейиш уя  
бўлмайдими?—деган эди:— Уят бундай бўлади,—деб  
қамчининг ўрмидан ушлаб Холёрнинг бошига урди. Хо-  
лёр суви тўкилган мешдай шобирсиз<sup>1</sup> жойида ётди. Эшик-  
даги шобир-шубарни эшитиб Ойтўти билан Ойчинор эшик-  
ка чиққан эди, шу вақт Келдиёр Ойчинорнинг билагидан  
ушлади.

Мерганлар тоғларда олқар отади,  
Беш кун дунёнг қандай бўлса ўтади,  
Жабр тушди Холёрнинг бошига,  
Бир қамчиман ғариб энди ётади.

Бахайр бўлсин-да ҳар ишнинг кейти,  
Не иш бўлмас бундай қоронғу пайти,  
Эшикдаги бу шов-шувни эшитиб,  
Чопиб чиқди Ойчинорман Ойтўти.

Жаллод бугун ўз кўнглини хушлади,  
Муштипарнинг икки кўзин ёшлади,

<sup>1</sup> Шовқин-суронсиз.

Кўнгли тошдан, меҳри қаттиқ жаллодлар  
Ойчинорнинг билагидан ушлади.

Бу Ойчинор зелимларга қаради,  
Ин йўқ, син йўқ, бундан судраб боради,  
Силкиб олди билагини қўлидан,  
Жаллоднинг юзига шундай уради.

«Воҳ!» — деб жаллод эси кетиб боради,  
Бобир урса, билди тайин ўлади,  
Бирдан отдан тушди келган шериги,  
Тўти момо ҳайрон бўлиб туради.

Шериги қўлига қўриқ<sup>1</sup> олади,  
Қўриқлигин Ойчинор не билади,  
Яқинлаш-чи, деб туриб эди Ойчинор,  
Жаллод танасига қўриқ солади.

Ўз-ўзидан икки қўли бойланди,  
У шериги энди ўзини шайлади,  
Ойчинорнинг оёғини мўлжаллаб,  
Орқанини усталикман тайлади.

Армон билан бойланди-да, Ойчинор,  
Бул кечада мадад берар кими бор,  
Хурккан қўйга қараб кетган Эриазар,  
«Болам» деб тайлади Тўти муштипар.

Бу жаллодлар ўзини кўнглини хушлади,  
Ойтўти ҳам икки кўзини ёнлади,  
«Болам!» дейди, йўғлаётир муштипар,  
Қучоқ очиб боласини ушлади.

Шунқор тенса, ҳар ким майиб белидан,  
Ҳеч ким айрилмасини ўсган элидан,  
Икки жаллод зарба қилиб тортади,  
Ололмайди Ойтўтининг қўлидан.

Жаллод жаллодлигин эди қилади,  
Бердвёр қўлига қилич олади,  
Булар туғилмаган асло энадан,  
Муштипар бошига қилич солади.

<sup>1</sup> Бар уч қалқа қилинган арқон.

Кўкда булут кўрди буни, жилади<sup>1</sup>  
Баланд тоғлар ўпирилиб қулади,  
Қўли бўшаб шиққа тушди гавдаси,  
Боласига қони оқиб боради.

Ҳай, аттанг, не бир замонлар ўтди,  
Нечов хурсанд бўлса, печов қон ютди,  
«Воҳ, энам!» — деб зор қақшади Ойчинор,  
Йиғлашиман арчаларни қулатди.

Бойлаган эолмлар кетиб боради.  
Ойчинор ўзини отиб боради,  
Тоқат қилолмай йиғлашига юлдузлар,  
Қобоқ-қобоқларга ботиб боради.

«Эна!» дейди, соч эгарга эшилди,  
Йиғлашига икки кўзи тешилди,  
«Оҳ» деганда таққа тўхтаб бўрилар  
Улу солиб Ойчинорга қўшилди.

Эна деса, ерлар эриб боради,  
Эна деса, қорлар эриб боради,  
Йиғлаётир, энам дейди муштипар,  
Темир, чўян, тошлар эриб боради.

Икки жаллод кўнглини хушлаб боради,  
Ойчинор юзига муштлаб боради,  
Тоқат қилмай жаллодларнинг бедови,  
Қора ерга ёшин ташлаб боради.

Бўлармикан ҳар кимсанинг энаси,  
Эна деса, йиғлар тоғнинг гияси,  
Ҳар энам деб товуш қилса Ойчинор,  
Бўкиришиб қолар чўлнинг туяси.

Дам бўлмайдн қанча қамчи тайлади,  
Не ни қилсин, бу жаллодлар ўйлади,  
От тўхтатиб икки жаллод Толида,  
Ойчинорнинг огзин маҳкам бойлади.

Икки жаллод бундай туриб қаради,  
Уз-ўзидан кўнгли бўшаб боради,  
— Товушининг ўчир! — деди Келдиёр  
Қамчи билан баданига уради.

<sup>1</sup> Йиғлади.

От ҳурккан сўнг дариёдан кечмайди,  
Қўрққан жаллод ҳеч Чинорни ечмайди,  
Оҳ, деб кетиб борар йўлда муштипар,  
Ёнган юрак сўв сепганман ўчмайди.

Бедов отлар йўлда шошиб боради,  
Уст-устига қамчи тушиб боради,  
Ҳайдаётир гоҳи сойдан, гоҳ ўрдан,  
Назарбойни бирга қўшиб боради.

Ким куймайди ганимларнинг дастидан,  
Ботир қутулади номард дастидан,  
Саҳар вақти отни қистаб жаллодлар  
Бориб қолди оқ чодирнинг устидан.

Бундай кунда кимлар бўлар кўнгил тўқ,  
Кўнгил тўқ бўлганда теймас отган ўқ,  
От дурири қулоғига кирган сўнг,  
Ирғиб чиқди чодирдан Қайсарбек.

Келдиёр билан Бердиёрни юборгандан кейин Қайсарбек: «Бул ишни биров билмасин-да», деб илғоқсиб<sup>1</sup> ётган эди. От дурири қулоғига эшитилгандан кейин жойидан ирғиб туриб, чодир эшигини очиб қаради. Узоқдан чопилган отлар оқ чодирнинг олдида ҳансраб нафас олиб турибди. Келдиёрнинг олдидаги нарсани кўриб: — Олиб келдингларми? — деб сўради. — Олиб келдик! — деди учови ҳам бирдан. Қайсарбек Ойчинорни отдан тушириб олди. Отлиқлар отдан тушишди. Шунда Қайсар: — Ов, Бердиёр, сен отларни етаклаб овлоқ сойга олиб бор, дамни олсин. Отларнинг терини ол. Токи отларнинг чопилганини биров билмасин. Эрта чоштгоҳда отларни олиб келиб жой-жойига боғлайсан! Сен Келдиёр, бу қизни чап ёнимдаги чодирга олиб бор. Ҳулкар момонинг қўлига бериб, ўз жойингга бор. Эртасига топширилган ишларни қила бер, Бердиёрни сўрашса, «моллардан хабар олгани кетган», де! Агар учовингдан бирининг оғзингдан бу гап чиқса, бошигдан умидингни узабер. Назарбой, сиз мен билан чодирга кирасиз, эрта чоштгоҳда Бобирдан жавоб оласиз, сўнгра уйингизга бора берасиз. Сирни бировга билдирсангиз, мендан қочиб қутулолмайсиз! — деди.

Бугун кириб чодирда ётди. Эртасига эрталаб Қайсарбек билан Бобирнинг олдига борди. Манглайи ялтираб,

<sup>1</sup> Алагда бўлиб.

тизаси қалтираб, икки букланиб Бобирга таъзим қилди. Бобир адик олиб жой кўрсатди. Саломатлик сўраб Бобир айтди:— Ҳов, Назар бобо, қандай, яхши ётиб турдингизми? Меҳмонликдан ранжимадингизми, бизнинг расм-русумимиз, таомилларимиз сизга ёқмай қолмадими? Назар кўнглида: «Бу мени синагани сўраб турган бўлмасин, нотўғри айтдинг, деб унда олмаган бошимни энди олмасин. Айтай десам, буниси бошимни олар, худоё-худовандо, агар шул жойдан соғ чиқсам, ола хўрозим садақа!» деб бошини қуйи солиб тура берди.

— Эй, хоним!— деди Қайсар,— бу киши сиздан жуда миннатдор.

— Билмадим,— деди Бобир,— юзига қарасам, сўлгандай, бу кеча ухламай, йўл тортиб чиққандай, жуда чарчган кўринади. Ёки кечаси қўш ҳайдатиб чиқдингизми?

— Йўғ-э, тақсирим, шаҳаншоҳим! Бу киши билан кеча гурунглашиб, гурунгимиз қизиб кетди. Бир вақт қарасам, тонг отибди, иккимиз намозни бажо келтириб, олдингизга келдик,— деди Қайсар.

Таом тортилди. Кўрқиб қолган Назарбой овқат ҳам еёлмай қолди. «Бундан бир нарсани сўраса, сирни очар, бу тентак», деб Қайсарбек Назарга руҳсат сўради. Шунда Бобир:— Ов, бобо, ёшлиқдан қарийсиз, қариликдан ёшармайсиз. Энди ҳаргиз бир гулни сўлдирманг. Агар гапимга кирмасангиз, бошингиз қўлимда,— деб жавоб берди. Назарбой қутулганига шукур қилиб, бу қилган ишларига пушаймон бўлиб, Қайсарбек билан эшикка чиқиб, кеча иш кўрган чодирига борди. Шул вақт Қайсарбекнинг мулозим ҳам отларни олиб келган эди. Назарбек отининг қошига бориб, узангига оёғини қўйиб, кеча иш кўрган эмасми, зарилдан от белига минди. Қайсарбек билан хўш-хўшлашиб бир тўба бермон<sup>1</sup> ошди, энди юраги жойлашди, хўрсиниб нафас олди. «Кемайлар кетай бу жойга», деб кетиб бораётир.

Раиғи бўзарган бўздай,  
Сойдаги олакўздай,  
Назар кетиб боради  
Ичи тушган тарвуздай.

Бораётир энкайиб,  
Икки бети зингкайиб<sup>2</sup>,

<sup>1</sup> Бир тепалиқдан берига.

<sup>2</sup> Бу мисра «от устида зингкайиб» бўлиши керак. Энкайган одамнинг зингкайиши мумкин эмас. Бахши дostonни айтиб берганда, шу ўринда мутаносибликни бузган.

Келганига ўзини  
Неча мартадаб койиб.

Кетди манглай тирпишиб,  
Қобоқлар кетган шишиб,  
Совуқ олган қадидай,  
Кетган ранглар буришиб.

Бечўпон қип молимни,  
Қимга айтай ҳолимни,  
Бугун бунда кўрдим, дер  
Ўзимдавам золимни.

Бяри доно, ул золим,  
Бегартиб чиқмас тилим,  
Худо ўзинг сақладинг,  
Келган экан-да, ўлим.

Тулқидайин жалаглаб,  
Думидайин биланглаб,  
Келмасин, деб изимдан  
Келаётир алаанглаб.

Гоҳ кўзини ёшлайди,  
Гоҳ лабини тишлайди,  
Келганига ўзини  
Қайта-қайта муштлайди.

Бой деб инсанд қилмади,  
Назарига нлмади,  
Қайсар дегани ўлсин,  
Бир туюр<sup>1</sup> нон бермади.

Пешонадав кўрсамми,  
От жиловин бурсамми,  
Ўткарди деб таадди,  
Бойсин бекка борсамми?<sup>1</sup>

Борган билан ул бекка  
Нима илож қилади,  
Ундай-бундай бекларни  
Тикка охи жаради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўр бўлак  
<sup>2</sup> Юборди.

Худо ўзинг кўрсатгин  
Бу ёмонга каромат,  
Сендан бошқа наво йўқ,  
Сенга қилай ибодат.

Қоплон, арслон олай деб,  
Билмай бунда келибман,  
Қурисин-да, бу золим,  
Ўлмай жонни берибман.

Бировига ёлғонни  
Ҳеч гапириб билмайсан,  
Биридаги ажалга  
Нари тур деб билмайсан.

Қилдим мен ҳам ёмонлик,  
Бундагин ҳеч қилмадим,  
Нечовларни йиғлатдим,  
Тандан жонин олмадим.

Олдим қиз, деб ололмай,  
Мен бировга олдирдим,  
Сабабчи бўп қайтага,  
Бир хотинни ўлдирдим.

Ётиб уйда ўйламай,  
Қайга урай бошимни,  
Ўзим бориб олдирдим  
Оғзимдаги ошимни.

Энди бундай ишимни,  
Ҳеч бир киши билмасин,  
Ўлса-ўлсин Ойгўти,  
Мол эгасиз қолмасин.

Қайга борсам бу Қайсар,  
Зўрлигини билдирар,  
Айтиб қўйсам бировга  
Қайга борсам ўлдирар.

Отни қичаб бу Назар  
Аста борди уйига,  
Қанча ўйлаган билан,  
Етолмади ўйига.



Уйда ётиб бой Назар,  
Энди кўнглини хушлади,  
Хизматкори чоғиб кеп,  
От жиловини ушлади.

Ҳорманг, деб келаётир  
Назар понини еганлар,  
Ҳол-аҳвол сўраётир  
Торига ўйнаганлар.

Совуқ урган сабзидай,  
Шукур, деб қўяётир,  
Айтолмайди дардини,  
Қобоғини уяётир.

Совчилар кеп қошига  
Қоплонни сўраётир,  
Ярасига туз сепиб,  
Жонига тегаётир.

Не деярин билмайди,  
Ерларга қараётир,  
Совчилар гапирганда,  
Гапини бураётир.

Бужмайтириб юзини,  
Тетик тутиб ўзини,  
Бир энтикиб гапирди,  
Ёлғон-яшиқ сўзини.

— Қулоқ солгин, оққинам,  
Оч бўлса ҳам, тўққинам,  
Несиниям айтайин,  
Тингла сўзин, беккинам.

У жойга келган экан  
Бир вилоят эгаси,  
Қошида турган экан  
Аждаҳодай боласи.

Қанча айтдим қоплонни,  
Нима дедим, демади,  
Улар мени, Оқамон,  
Назарига илмади.

Каттапойнинг устидан  
Қураётир қўрғонни,  
Ушлаб олса қўймайди  
Унга кўзи тушгани.

Мингга қўшни қўшибди,  
Тилаётир кўп жойни,  
Ушлаб олса қўймайди  
Камбағалми у, бойми?!

Илла<sup>1</sup> қутулиб келдим  
Мен уларнинг қўлидан,  
Бундан бу ёғи юрма  
Каттапойнинг йўлидан.

Мен уларнинг юзини  
Бундан буён кўрмайин,  
Уйлаб турсам қарибман,  
Энди мен қиз олмайин.

Ким олса ола берсин  
Холиёрнинг қизини,  
Улар менга тенг эмас,  
Кўрмай унинг юзини.

Эрта билан, Оқамон,  
От белига миначан,  
Холиёрнинг олдидан  
Ҳамма молни оласан.

Қайдан топсанг ўзинг топ,  
Бир чўпонни қўясан,  
Эрназарни чўпонга  
Чокар қилиб қўясан.

Ҳозир катакка бориб,  
Бир хўрозни ушлайсан,  
Яхши қилиб шўрвасин,  
Шўртак қилиб тузлайсан.

Назар айтиб бу гапди,  
Айтиб уйқуга кетди,  
Улгудай бўп чарчаган,  
Тонглар ҳам отиб кетди.

---

<sup>1</sup> Арми, бир бало қилиб.

От устида Оқамон  
Хезлаб кетиб боради,  
Холлёрнинг йиғлаган  
Товушини эшитади.

Шунда Оқамон от жиловини тортиб, Холлёрнинг қошига  
бориб:— Не сабабдан йиғладинг?— деб сўради. Шунда  
Холлёр Оқамонга қараб, дардқаш одам топгандай бўлиб:—  
Эй, Оқамон ога, нимасини айтайин, ҳар на боримдан ай-  
рилдим,— деб турибди:

Оқамон, ҳов, Оқамон,  
Нимасини айтайин,  
Бу жаҳонда кимим бор,  
Энди қаён кетайин.

Ярим кеча устимга  
Етиб борди фалокат,  
Айтай десам, бек ога,  
Менда йўқдир ҳаловат.

Қайга олиб борайин  
Ёлғиз қолган бошимни,  
Уч отли кеп уриб эди,  
Йўқотибман ҳушимни.

Қўзим очсам ҳеч ким йўқ,  
Учтаси ҳам кетибди,  
Менинг шундай олдимда  
Хотиним ҳам ётибди.

Чолиб бордим қошига,  
Сулаб ётар танаси,  
Олти газ нари жойда  
Вафодорим калласи.

Қараганман топмадим,  
Қизим олиб кетибди,  
Билмай қолдим мен шўрга  
Бу кун ажал етибди.

Оқамонжон, айрилдим  
Бу кун ҳар на боримдан,  
Бир маслаҳат берсанг-чи,  
Манглайдаги шўримдан.

Қўйнимдаги нонимдан,  
Найлай, оға, айрилдим,  
Юрагимнинг ёғидан,  
Қайтай, оға, айрилдем.

Иўқ нарсани бор қилган,  
Бер нарсани мўл қилган,  
Хароб бўлган рўзғорни  
Ишлаб-ишлаб гул қилган  
Кампиримдан айрилдим.

Сендан бошқа, оғажон,  
Қимга айтай арзимни,  
Мен қайлардан топаман  
Елғизгина қизимни.

Оҳ деганда, юрагим  
Оловдайин ёнади,  
Воҳ деганда, шу танам  
Кўкка тутаб боради.

Энди қайга борайин,  
Уйим қолди бесойиб,  
Раиғим сўлиб боради  
Сариғ гулдай сарғайиб.

Икки эди қанотим,  
Бири сийди, қайтайин,  
Бири ҳам бўлди майиб,  
Қайга излаб борайин...

Илон овлаган қушдай  
Дармон кетиб боради.  
Мерган отган кийикдай  
Кўзим тишиб боради.

Майиб нордай инграйман,  
Шунқор тепган белимдан,  
Бемаҳалда айрилдим  
Боғбонимдан, гулимдан.

Ерда ётган тупроқман,  
Қимлар босиб ўтмайди,  
Шуйтиб қолган кунимда,  
Нега ажая етмайди.

Оқамонжон, Оқамон,  
Қимга дардим айтаман,  
Мен қизимга қарасам,  
Қайга қараб кетаман.

Шунда Оқамон айтди:— Ҳов, Холёр! Олдин бизнинг гапга кўнмадинг, қизингни бойга бермадинг, берганингда бундай бўлмас эди. Энди кўр бўл! Арслон ҳам йўқ, қоплон ҳам йўқ. Тўрт томонинг қибла, кетавер. Ажаб бўпти, хўп бўпти. Бой ҳам сени ишдан ҳайдади. Энди қорангни кўрмайин,— деб жўнаб кетди. Бориб қўйларни топиб, Эр-назарнинг қошига бир чўпон қўшиб, икковига молни топшириб, кўнглини хушлаб, Назарбойга ҳамма гапни бориб айтди. Булар ўз даврини суриб ёта берди. Холёр бечора ҳам нима қилсин, Ойтўтини жамоага қўшиб, қизини йўқотиб, бор буди-шудини бир эшакка ортиб, элу халқдан бир сўраб суриштирайин, шояд ёлғизгина қизимни тополсам,— деб боши оққан томонга қараб кетди. Гоҳ тоққа чиқиб, гоҳ пастга тушиб, кўрган кишиендан суриштириб, ит амал қилиб кунини ўтказиб юра берди. Эндиги гапни Ойчинордан эшитинг.

Қайсар ўзининг чодиридан бирига Ойчинорни солиб, икки кампирга Ойчинорни топшириб, кампирларга: «Бу бировнинг қизи, шу қизга кўз-қулоқ бўлиб турасанлар; кундузи эшикка ҳам чиқармайсизлар; бирон жонзот бу қизни билмасин. Агар билдиргудай бўлсаларинг, икковинг ҳам жонингдан умидингни узабер», деб тайинлаган эди.

Олдин Ойчинор шунча қочаман, деди, бўлмади. Ялинган билан кампирлар кўнмади:— Қизим, сен кетсанг, бизни тайин ўлдиради,— деди. Ойчинор йирлади, сиқтади, бўлмади. Нон емади, бўлмади. Ахир тақдирига кўниб: «Қани, худо бир жойдан бир мадад берар», деб юра берди. Кампирлар ҳам ўрганиб қолди.

Бўларнинг ҳаммаси Андижондан қочган эди. Қайсарбекнинг ота-бобоси подшоҳларга вазир бўлиб келган. Неча уруғлари ҳам ҳар жойда ҳокимлик вазифасида эди. Уларнинг ҳаммаси хонга билганларича хизмат қилиб, хоннинг торига ўйнаб, гоҳ хоннинг айтганини қилиб, гоҳ айтганини қилдириб келган эди. Қайсарбекнинг ёши ҳам олтмишдан ошган, сочлари тушиб, тишлари сераксиб қолган, ўзи кўса, няғи узун, қулоғи тикка, кўзи сузик, қилиғи бузуқ, ош бўлса тайёр, ўлгудай айёр эди.

Бобирнинг отаси ўлгадан кейин Бобирга вазирлик қилган эди. «Бобир ҳам ёш бола, уни ўз ноғорамда ўйнатаман, қилолмаган ишларимни энди қиламан», деб ўйлаган

эди. Лекин бўлмади: Бобир отасидан ҳам доно, зукко, ўзининг билганини қиладиган, ўзганинг гапига кирмайдиган бўлиб чиқди. Ҳатто Қайсарнинг баъзи гапларига кулиб: «Вазиринг доно бўлса, юртинг ҳам обод бўлар, вазиринг бўлса хатак, обод юрт нообод бўлар», деб кулиб қўяр эди. Бу гаплар Қайсарбекнинг жон-понидан чиқиб кетар эди. Шу вақтларда Шайбонийхон деган бир хон чиқиб қолган эди. Қайсар бу хоннинг аслзодаларга мурувват қилаётганини билиб, бойлик орттираман, деб Шайбонийхон билан гаплашиб юрарди, Бобирнинг кўп аскарларини чап бериб Шайбонийга ўтказиб юборган эди. Келдиёр билан Бердиёр ҳам Шайбонийнинг одами эди. Бобир Андижонда Шайбоний билан озроқ уруш қилиб, Қайсарнинг гапига учиб, Андижонни ташлаб қочган эди. Бобир қаерга қўнса шу ердан бир ишқал чиқариб: «Ҳайло, Шайбоний келди», деб ҳийла билан қочиб, охири Каттапойнинг устига келган эди. Бу жойдан кўп жойлар кўрншиб турар эди. Бобир шу жойда туриб, экин эктириб, оту аскарларга овқат тониб, аскар тўплаб, қалъа қуриб, Шайбоний билан қайта бир курашмоқ ниятида эканлигини Қайсар билар эди.

Бобирнинг нозик томони кўп. Тоат-ибодат қилар, худоба қаттиқ ишонар, шу йўл билан Қайсар кўпроқ алдар эди. Ойчинорни мабодо Бобир олдириб келса, бу исимгар қиз ҳамма сирини билиб қолар, деб бунисидан ҳам қўрқар эди. Шуйтиб Ойчинорни олиб келиб жуда эҳтиёт қилиб сақлар эди. Экинлар экилиб бўлди. Қўрғонлар ҳам битай деб қолди. Агар қўрғон битса, экинлар ўрилса, Бобирнинг бу жойдан кетиши қийин. Сўнгра кучайиб кетишини Қайсар билиб Келдиёр билан Бердиёрни чақириб, қўлига нома ёзиб:— Шу хатни тез Шайбонийга етказинглар. Ўзларинг беш кунга қолмай, кечаси билдирмай қошимга келасизлар!— деб гапирёттир. Шунда Ойчинор:— Яна бир қизнинг шўри қуриди,— деган эди, кампирлар:— Йўқ, бу йигитлар Шайбонийга бораёттир,— деди.— Шайбоний нима?— деди Чинор. Шунда кампирлар:— Бизнинг хонимизни Бобир дейди, у хонни Шайбоний дейди. Бу Қайсарбек бу хоннинг сирини у хонга етказиб туради. Буни бу хон билмайди, билса ўлдиради,— деди. «Қани нима дер экан»,— деб чодирнинг ичида учови ҳам қулоқ солиб турибди. Қайсар йигитларига қараб гапирёттир:

Қулоқ солнинг, йигитлар,  
Менинг айтган сўзимга,  
Ё Али, деб мишинглар  
Эшикда оқ бўзимга.

Аямаглар қамчини,  
Устма-уст қип берниглар,  
Бундай нозик ишларни  
Ҳеч кимга билдирманглар.

Гоҳи-гоҳи жойларда  
Отларни тўқ қилинглар,  
Билиб қолса бирови,  
Номани йўқ қилинглар.

У ёқда ҳам ҳеч кимга  
Билдирмайин борниглар,  
Номани Шайбонийнинг  
Ўз қўлига берниглар...

Ун беш кунга қолмайин,  
Лашкарни тортиб келсин,  
Чапарларни туяга  
Қолдирмай ортиб келсин.

Ишни кейин қолдирса,  
Бобир кетар кучайиб,  
Менман деган полвонни  
Тепса қидади майиб.

Не иш қилар, ҳаммасин  
Номага ёзиб қўйдим,  
Кўрмасин деб ҳеч киши,  
Кўрсатмай туйиб қўйдим.

Ун тўрт кундан нармаган<sup>1</sup>  
Мен ҳам ишим бошлайман,  
Агар билса шуя Бобир,  
Икки кўзим ёшлайман.

Агар ганимга юрса,  
Ўзини ушлатаман,  
Асир бўп қўлга тушса,  
Гўштини тузлатаман.

Доноларнинг доноси,  
Бир ой ушладик денглар,

---

<sup>1</sup> Ун тўрт кундан кейин.

Эл кўрарми ўзига,  
Жавобин олиб кенглар,

Боринг олло ёр бўлсин,  
Пирлар мададкор бўлсин,  
Сизни кўрдим деганнинг  
Икки кўзи кўр бўлсин.

Жавоб олиб навкарлар  
Отга урди қамчини,  
Чўпчиб отди бедовлар,  
Олгудай Чин-мочинни.

Босган ер қолаётир  
Урадай бўп бузилиб,  
Кетаётир бедовлар  
Ипакдай бўп чўзилиб.

Кетаётир Бердиёр  
Кенг дунёни қилиб тор,  
Қичаётир Келдиёр  
Яхшини ҳам қилар хор.

Кетаётир навкарлар  
Сўна қувган танадай,  
Орқасида Қайсари  
Ҳар балога панадай.

Ҳайдаётир навкарлар  
Қопга тикқан сомондай,  
Қобоқлари уюлган  
Таёқ еган қобондай.

Эгарда ўтирши  
Тўбадаги ғажирдай,  
Рангги оқариб кетган  
Кулни ташлаган ердай,

Гапирганда сўзлари  
Бол йўқотган зомбирдай,  
Очганида оғзини  
Худди ўйилган гўрдай.

Тикка чиққан қулоғи  
Жардаги чакамиқдай<sup>1</sup>,

<sup>1</sup> УСИМЛИК ВОМИ.



Бурининг гўдирлиги  
Ит ташлаган камикдай<sup>1</sup>.

Қичагандан қичади,  
Тоғлар ошиб боради,  
Гоҳи-гоҳи жарларга  
Тикка тушиб боради.

Гоҳ чорбоғли жойлардан  
Тикка ўтиб боради,  
Сурув-сурув қўйлардан  
Чўртта кесиб боради.

Бориб қолса овулга,  
Ити қувиб қолади,  
Бедовларнинг бошига  
Қушлар тувиб боради.

Қарвон чиқса олдидан,  
Бари қараб қолади,  
Ўғирими дейишиб,  
Қим, деб сўраб қолади.

Олдидан чиқса пода,  
Бирдан ҳуркиб боради,  
Қим, дейишиб чўпонлар  
Бари қўрқиб қолади.

Юраги бор чўпонлар,  
Сўкаётир изидан,  
Теэда пана бўлади  
Қўрғақларнинг кўзидан.

Шундай қилиб иккови  
Шаҳрисабзга боради,  
Шайбонийнинг қўлига  
Тайин хатни беради.

Шайбонийдап жавоб ол,  
Берман қайтиб жўнади,  
Не бир-не бир сардорлар  
Буни билмай қолади.

---

<sup>1</sup> Ит чайнаб ташлаган суяк.

Тўртинчи кун кечаси  
Етиб келди навкарлар,  
Шайбонийнинг гапини  
Айтиб келди навкарлар.

Ҳеч бир киши билмади  
Булар қилган ишини,  
Хурсанд бўлиб Қайсарбек  
Қаший берди бошини.

Бугун ётиб Бердиёр,  
Эрта билан туринглар,  
Четда Сайхан устани  
Бунда олиб келинглар.

— Хўп,— дейишиб иккови  
Урин солиб ётади.  
Эрта билан Қайсарбек  
Буларни уйғотади.

Шунда Қайсарнинг икки навқари ҳамма ишни битказиб, номани Шайбонийга етказиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб жойидан тура берди. Қайсар айтди:— Навкарлар, энди гап бундай: кечқурун ҳамма ишдан бўшаганда, четдаги уста Сайхани, зиёфатга юринг, деб олиб келинглар. Зинҳор бошқа кишига сездирманглар.— Хўп,— деб навкарлар кетди. Бугун ҳам кун ботди. Одамлар ишдан чиқди. Бердиёр аста уста Сайханинг қошига бориб:— Вазири аъло сизни зиёфатга таклиф қилди, бормасангиз бўлмас,— деди.— Мендан ҳам бошқа кишилар борадими?— деди уста Сайхан.— У ёғини билмайман, мени сизни тайинлаган,— деди Бердиёр.— Ундоғ бўлса, юринг, борайлик,— деб кечаси Қайсарнинг чодирига келди. Таомлар тортилди. Қайсар Келдиёр билан Бердиёрга жавоб бериб, уста Сайханга айтди: Уста Сайхан, сизга бизнинг ҳам бир ишимиз тушиб қолди, йўқ демасангиз айтмай?— Айтинг,— деди Сайхан,— сиздай бир азиз кишининг ҳам гапини йўқ деймизми?!

— Ундоғ бўлса,— деди Қайсар,— менга бир ноғора ясаб берасиз, боз устига бир ошиқ ҳам қиласиз, ошиқни ноғорога ташласа, фақат умма бўлиб турсин. Бу ишни эйлай олсангиз юз тилла бераман. Яна бири шулки, бу ишни ҳеч киши билмаслиги керак. Агар бирор киши билса, Бобиршоҳ иккимизнинг ҳам бошимизни олади. Билмадим.

нимә учун бу ноғора Бобиршоҳга керак экан?! У киши бу ишнн фақат сизга тайинладилар,— деди.

Уста Сайхан айтди:— Подшоҳ буюрган бўлса, уни қилиш бизга вожиб, лекин нимасини халқдан яширар экан?!— Аслига тортган-да,— деди Қайсар.— Темурланг бирон ишнн элга билдирмас эди.— Тўғри,— деди уста,— менга буни муҳлатни бериңг.— Ун кунда битирасиз!— деди Қайсар.— Майли, ўн кунда битказиб бераман,— деб уста жойидан турди. Қайсарбой пулни бериб, устанн уйига жўнатди. Орадан ўн кун ўтди. Ун биринчи кунн кечаси Қайсарнинг уйига уста беркитилган ноғорани олиб келди. Қайсар уйдаги ҳамма кишиларга рухсат бериб, устанн ноғора билан ошиқни олди. Ноғоранинг устига ошиқни ташлади, умма турди. Узоқдан туриб неча марта ташлади, барибир ошиқ умма тура берди. Қайсар:— Рухсат,— деб яна юз тиллани бериб, ҳеч кимга айтмаслигинн эслатиб, устанн ҳам жўнатди.

Эрта-мертаи тоғ отди, Бердиёр билан Келдиёрни чақириб айтди:— Сен Бердиёр, агар Бобир ноғорани олиб кел деса, шул ноғорани олиб борасан, сен Келдиёр, шул ошиқни олиб юрасан, «Қимда ошиқ бор?» деса «Менда», деб берасан,— дади.

Орадан бир-икки кун ўтди. Кун ҳам чоштвоҳ бўп кетди. Бобир чодирда ҳамма мулозим, акобир, оқсоқолларн билан ўтирган эди. Бобирнинг қоровул — сардорн ҳовлиқиб келиб, гапиршга ижозат сўради, ижозат олиб:— Эй, шаҳаншоҳим! Ҳамма сой-сойдан беадат чанг кўтарилаёттир, унда-мунда от чопиб панага энаёттир. Навкарлар кўринаи, Шайбоний бизни гафлатда қолдирмасин!— деди. Бобир бу ишга ҳайрон бўлди.— Ҳозирча келмаслиғи керак эди, Шайбоний бу вақт юрмаса керак эди. Еки ёлгонмикан,— деб беклари билан кўрғонга келиб, дурбинини олиб қаради, кўрди. Тағиҳарамдан Чашмиобзаиггача сой-сойдан беадат чанг кўтариляпти. Унда-бунда тўда-тўда навкарлар чиқиб, тезда сойга қараб эниб бораёттир. Булар сойга энса, яна бошқа селгадан навкарлар кўринаёттир. Чангнинг чиқилидан лашкарларнинг сонн ҳисобсиз эди. Бунга Бобир тенг келолмаслигинн ўйлаб турган эди, кўрғоннинг пастидан оқ байроқ кўтарган бир отли рўбарў бўлиб, қичқириб:

— Бобирни чақиринлар!— деди.— Бобир шу ерда,— деб товуш берди. Шунда ҳалиги отлиқ:— Эй, Бобиршоҳ, урун қиласизми, ёки юртни бизга тинчгина топширасизми?— деди. Шунда Бобир:

— Ҳов, элчи, бу жой Шайбонийнинг чегарасига кирмайди. Агар чегараси бўлса ёзгача рухсат берармикан,— деди.

Шунда элчи:— Шайбонийнинг чегараси бу ёғи Хўтон, бу ёғи Аму. Шайбоний бунга рухсат бермайди,— деди. Шунда Бобир:

— Бўлмаса, биз букун ўйлашиб кўрайлик, жавобини тоиғ-ла берамиз,— деди. Элчи рози бўлиб изиغا қайтди.

Шайбоний Қайсарнинг гапи бўйича отларга чапарларнинг сўдратган эди. Соё-соёда йиғирмата, ўттизта навкар бўлиб, от чоғиб, чапар судратиб, чағғитиб ётган эди. Баъзи навкарлар тепага чиқиб, бир кўриниш бериб қўяр эди. Бўлмаса, Шайбонийнинг лашкари ҳам Бобирнинг лашкаридан унча кўп эмас эди. Шайбоний Бобирнинг уруш қилишидан кўрқар эди. Шуйтиб ҳийла ишлатиб юрар эди. Буларнинг ҳийласини Бобир билмас эди. Сирни билишга юборган навкари дом-дараксиз кетар эди. Унинг ишини Келдиёр билан Бердиёр саранжомлар эди.

Шуйтиб Бобир чодирига қайтиб, барча мулозимлари билан маслаҳат қила берди. Бирор фикрга келолмади. Бир хили: «Кетамиз», деса, бир хили: «Энди қайга борамиз, бир олишиб кўрамиз», дер эди. Вақт ҳам ярим кечага борди. Шунда Қайсар:— Эй шаҳаншоҳим, менда бир фикр бор: Бир ноғорани оламиз, устига ошиқ ташлаб кўрамиз. Олчиси ҳам бизники; таҳаси ҳам, чиккаси ҳам бизники; ликкаси ҳам, уммасини Шайбонийга берамиз. Худо ёр бўлиб, пайғамбар мададкор бўлиб насибамиз шу жойдан тортиб турган бўлса, ноғорага ошиқни ташласак, ўзимизники турса, унда бу жойларни Шайбонийга бермаймиз. Уришса, уришамиз, суришса суришамиз. Агар Шайбонийга насиб қилиб, ошиқнинг уммаси турса, унда нима қиламиз, нидамай кета берамиз, юртни Шайбонийга берамиз деди. Бу гап барча мулозимларга маъқул тушди. «Барибир ошиқнинг уммаси турмайди»,— деб бир хиллари қиличини ушлаб-ушлаб қўя берди.

Шунда Қайсар:— Ноғорабозни чақир!— деди. Бердиёр келди.— Ноғорани олиб кел!— деб фармон берди.— Қимда ошиқ бор?— деди. Мулозимларнинг биронтасидан ошиқ чиқмади. Шунда эшикда қоровул турган Келдиёр:— Менда ошиқ бор,— деди. Ноғорани ётқизиб, қўлига ошиқни олиб, барча яхшиларга, азиз авлиёларга сиғиниб Бобир ошиқни ташлади. Ошиқ умма турди. Ҳамма ҳайрону лол бўлиб қолди. Бобир яна икки марта ошиқни ташлади, ошиқ умма турди. Бобир калласини ҳам қилиб, ўйлашиб қолди, сўнгра бекларига айтди:— Ҳов, беклар, бўлмади, юкларни ҳозирланглар, эрта саҳарда бу жойлардан жўнаймиз.

<sup>1</sup> Ҳирхон янчиёва иш шайбонийга бослаб судратиладиган махсус моелама. Бу ерда чағгитиб чикарига учун судратилганлиги айтилмоқда.

Қайсар ҳам чодирга келиб, бир кўнгли қочмоқчи бўлди. Лекин Шайбонийнинг галига биноан сувдан<sup>1</sup> ўтқариши керак эди. Шунинг учун бу ҳам юкларни ортиб, Ойчинорга бир момонинг кийимини кийдириб, бир хотинни олдига қўлиб, бир туянинг устига миндириб қўйди.

Эрта саҳар Бобир лашкари билан, қанча сардори билан йўлга тушиб жўнай берди. Ойчинор ҳам қаёққа боришини билмайди. «Энамдан-ку, айрилдим, энди отамдан ҳам айрилдим»,— деб кўзини ёшлаб, манглайига муштлаб кетиб бораётир.

Бутун жаҳон ёруқди  
Осмондаги бир ойдан,  
Фармон билан отланди  
Соп навкарлар ҳар жойдан.

Бурги қаттиқ чалинди  
Сардорларнинг қўлида,  
Исфиҳонлар ялтилар  
Навкарларнинг белида.

Юк ортилган туялар  
Қатор-қатор тизилди,  
Бир хил-бир хил одамнинг  
Кўнгиллари бузилди.

Баъзи бир хил одамнинг  
Кўкраклари ёзилди,  
Ҳай аттанг, деб нечанинг  
Кўздан ёши тизилди.

Пишқирган бедов отлар  
Бели маҳкам тортилди,  
Аравалар устига,  
Ашраф тўплар ортилди.

Сардорлар кетаётир  
Кумуш эгар устида,  
Чаппа бўлиб ўйнайди  
Сап тулпорлар остида.

Тилла ялатган камар  
Амирларнинг белида,

---

<sup>1</sup> Аму дарёдан.

Шамолда ҳилпирайди,  
Ол байроқлар қўлида.

Машъалбозлар машъалин  
Еқиб кетиб боради,  
Баҳордаги селдай бўп  
Оқиб кетиб боради.

Жаранг-журинг қўнғироқ  
Туяларга тақилган,  
Толмайди бедов отлар  
Олти ойлаб боқилган.

Тоғ устидан лашкарлар  
Пастга тайлаб боради,  
Нечовлари тебраниб  
Отда ўйлаб боради.

Лашкарларнинг жўнаши  
Кўкдан булут кўчгандай,  
Отнинг ерни тепиши,  
Шафтоли тўкилгандай.

Ивирсиниб жўнаши  
Ердаги чумолидай,  
Ёйилишиб юриши,  
Бойнинг сурув молидай.

Олдинда борар Бобир,  
Атрофида сардорлар,  
От пишқирган дамига  
Эрир тоғдаги қорлар.

Сассиз йиғлар нечалар,  
Айрилдим, деб элидан  
Кўз ёш тўкар нечалар  
Умид узиб улидан.

Нечовларнинг ортида  
Отаси қоп боради,  
Нечовларнинг ўғлим, деб  
Отаси қоп боради.

Ойчинор ҳам туяда  
Аста қараб боради.

Кўнгли томдаги қордай  
Шовшаб эриб боради.

Қимга айтсин дардини,  
Ичи ёниб боради,  
Қийғир ушлаган қушдай  
Кўзи тиниб боради.

— Қурисин-да золимлар,  
Мадоримдан айрилдим,  
Дод деганман не қилай,  
Падаримдан айрилдим.

Орқа сочим тараган,  
Тор сийнамдан айрилдим,  
Қафасдаги қушдай бўн  
Мен энамдан айрилдим.

Ола тоғнинг бошида,  
Опноқ қорлар эрисин,  
Муштипаримни урган  
Золим қўлиниг чирисин.

Не қилайин, энажон,  
Қайтиб олай ўчимни,  
Худо, ул қил яратиб,  
Бермадинг-да, кучимни.

Золимларнинг барини  
Бир бошидан қирмадим,  
Бойнинг молини талаб  
Қамбағалга бермадим.

Нури кетиб боради  
Осмондаги ойимдан,  
Боз устига айрилдим  
Ғамхўр қиблагойимдан.

Отажоним, олтиним,  
Қайда қолдинг мункайиб,  
Эшиги очиқ уйинг  
Қолдимикан бесойиб.

Сени десам, отажон,  
Кўзим тиниб боради,

Энам, десам букчайиб,  
Белим сишиб боради.

Энам кетиб сеп қолдинг,  
Тик қаддинг букилдими,  
Болам, деб мени излаб,  
Ешларинг тўкилдими!

Отажоним, йиғлама,  
Эсон бўлсам келарман,  
Худодан умирипгни  
Улгунимча тиларман.

Не қилайши, отажон,  
Не иш келар қўлимдан,  
Қўзим тиниб боради,  
Тушган бундай зулмдан.

Нор туяда Ойчинор  
Йиғлаб кетиб боради,  
Зирқираган бошини  
Боғлаб кетиб боради.

Ҳеч учи йўқ узун йўл  
Тинмай кетиб боради,  
Узоқдан ҳам узоққа  
Қўнмай кетиб боради.

На кундузи тўхтайдди,  
Кечаси йўқ ҳаловат,  
Кеча-кундуз юриши  
Бўлдимикан ё одат.

Сайроб деган жойлардан,  
Саҳарда ўтиб кетди,  
Шерободдай макондан,  
Наҳорда ўтиб кетди.

Ангор деган жойлардан,  
Кундузи ўтиб кетди,  
Ойтўтининг ёлғизи,  
Юлдузи ўтиб кетди.

Етди Термиз шаҳрига,  
Бор кемалар ёлланди,



Ортиб борган юклар  
Кемаларга жойланди.

Тинмай ҳайдаб кемалар  
Ташиётир юкини,  
Юки учун тортинмай  
Олаётир ҳақини.

Бир кечаю кундузда  
Аму суви лойланди,  
Амунинг нарёгига  
Бедов отлар бойланди.

Зарба қилиб ерларга  
Уй қозиқлар қоқилди,  
Ипак билан безалган  
Оқ чодирлар тикилди.

Оқ чодир, кўк чодир ҳар жойдан тикилаётир. Амунинг нариги томони гала-говурга тўлиб кетди. Ҳамма ўз-ўзини, ўз ташвишини қилаётир. Қайсар ҳам ўз чодирини энг чекка жойга тиктириб, бирига хотинлари, бирига момоси билан Ойчинорни, бирига ўзи кириб: «Қандай қилиб қочсам экан. Агар булар билан бундан бу ёғига кета берсам, сўнг келолмасман», деб қочишнинг режасини туза берди.

Орадан бир кун ўтди. Шайбонийнинг лашкарлари ҳам Амунинг бу томонига чодирларини қура берди. Яна орадан бир кун ўтди. Эртасига Бобир мулозимларини чақириб:— Бу кун ҳам турасиз. Эртага эрталаб бу жойдан жўнаймиз, тайёргарликни кўра беринглар,— деб фармон берди. Ўзи эса, эрталаб дарёнинг бўйига келиб Шайбонийни чақирди. Шайбоний ҳам жавоб берди. Бобир айтди:— Эй, Шайбоний сенга айтадиган гапларим бор. Менга бу жойларнинг таоми насиб қилмади. Менга насиб қилмаганлар сенга насиб қилди. Энди мен сенга айтайин, сен жавоб бер! Унг қўлимда бир нарса бор: суюқдан қаттиқ бўлган. Отини айтса қув калладан сув келади, бу нима?

Шайбоний ўйлаб туриб:— Бунинг номи қурут,— деди.

— Чап қўлимда бир нарса бор: ўзи бир юмалоқ, ичида минг юмалоқ, бу нима?

Шайбоний буни ҳам:— Анор бўлмаса,— деди.— Тўғри,— деди Бобир.

— Энди сенга охирги саволим бор: Дарахтнинг силкиниши нимадан?

— Дарахтнинг силкиниши ўзидан чиққан қуртнинг таъсиридан,

— Ҳамма гапинг тўғри, Шайбоний,— деди Бобир,— энди бизни қувиб юрмоқдан на ҳожат?

— Энди қувиб бўлдим. Баъзи нарсаларни ўргандим. Менинг охирги чегарам шул,— деди Шайбоний.

— Хўп,— деди Бобир.— Ўз юртимга эсон бўлсам бир қайтиб келарман, армонда қолма,— деб аскарларига йўлга тушишга фармон берди. Ҳамма юкни орта берди, отнинг белиги торта берди, белига камарини, камарига қиличини бойлата берди. Ҳамма ўз бошига ҳаракат қилиб, йўл тараддудини қила берди. Олдин бўлаганлар йўлга туша берди. Кейин қолганига сардорлар:— Бўлчи-бўл,— деб дўқ қила берди. Эндиги гапни Қайсар билан унинг навкарларидан эшитинг.

Амунинг ёқаси тўқайзор эди. Олдинроқ бориб, одамларнинг кўзидан эртароқ пана бўлиб, йўлини буриб олди. Катта қамишининг ичига кириб, юкни туширди. Келдиёр туриб айтди:— Эй, амир! Бу қизни нима қиламиз?— Бу қизни,— деди Қайсар,— Шайбонийга тортиқ қилиб, канизак қилиб берамиз. Энди эртароқ Амунинг ёқасига борсак, кемага юкни ортсак, бўлди қутулганимиз.

Бу гапларнинг ҳаммасини Ойчинор эшитиб, буларнинг ниятини билди. Кўнглида айтди: «Энди эшакка ортилган юкдай бўлиб ишдамай турсам, булар нималар қилмайди. Энди қизлар қилмаган ишларини қилайин, қизлар юрмаган йўлдан юрайин. Улсам, ўлайин, одам тухумидан қўрқмайин. Шунча вақт қизлар ибоси билан келдим. Энди етар, Бобирни қандай одам билмадим. Лекин бу Қайсар сотқин, айёр экан. Иложи бўлса, бир Бобирга кўндаланг қилай, ундан кейин отамни топай», деб жойидан туриб, аста-аста қадам босиб Келдиёрнинг отига етди. Қараса, от эгарловли, қилич эгар бошига илинган турибди. Аста от жиловидан ушлаб, узангига оёғини қўйиб, пирим, деб отга осплди. Шу вақт Бердиёр:— Ановини қаранглар!— деб шошиб қолди. Учови ҳам шошиб Ойчинорга ташланди. Ойчинор отнинг белига миниб, қиличинини эгарнинг бошидан олиб, юзидаги чимматини ҳавога отиб, қобогини уйиб, билагига кучини йиғиб, қоядаги бургутдай бўлиб тура берди.

Эр бошига иш тушса,  
Этик билан сув кечар,  
Мард бошига иш тушса,  
Тортинмай жондан кечар.

Қиз бошига иш тушса,  
Билмадим, нелан кечар?!

Буни дейди муштипар,  
Ҳоли бўлмасин ночор.

Тетик тутди ўзини,  
Дилга жойлаб сўзини,  
Бургутдай қип тиклатди,  
Азвал сипо кўзини.

Юшоқ пардаини кўли  
Оқ пўлатга айлади,  
Гулдай нозик билаги  
Нор белига айлади.

Қамон эди қошлари,  
Ендирувчи ўқ бўлди.  
Қўрқув, уят деган сўз  
Соядаини йўқ бўлди.

Кийик эди тоғдаги,  
Тўқайдаги шер бўлди,  
Паст эди-ку назари,  
Энди баланд қир бўлди.

Тўти эди қафасда,  
Бозорларда сотилган,  
Бургут бўлди силкиниб,  
Минг йигитга татилган.

Милтиқ отсанг қобонга,  
Жонин учун талашар,  
Жабр ўтса одамга,  
Юки билан қир ошар.

Тўйди Чинор жонига,  
Қони қизиб суюлди,  
Ушлаган қиличидан  
Урмай қонлар қуюлди.

— Тўхта,— дейди Бердиёр,  
Қизини нисанд қилмайди,  
Сўкаётир Қайсарбек,  
Назарига илмайди.

Қўрққанмикин Келдиёр,  
Ҳеч олдига келмайди,

От устида Ойчинор  
Булар гапни олмайди.

Абжирлик қип Бердиёр  
От жировин ушлади,  
Исфиҳонин Ойчинор  
Бердиёрга ташлади.

Пичоқ хамир кесгандай  
Ерга тушди калласи,  
Тўзиб қолди жойида  
Духоба оқ салласи.

Отин қистаб Ойчинор  
Келдиёрга етади,  
Қўлидаги қиличи  
Бўйини силаб ўтади.

Уйламаган калласи  
Ерга тушиб ўйланди,  
Жонни олган қўллари  
Ўз-ўзидан бойланди.

Қўрқиб қолган Қайсарбек  
Не қиларин билмайди,  
Энди билди, бу заиф  
Қочган билан қўймайди.

Шанғиллайди қулогн,  
Улам келди дегандай,  
Дириллайди бадани,  
Бўри тортиб егандай.

Оғзи қолди очилиб,  
Ялмоғизининг гўридай,  
Бурни кетди тиришиб,  
Ис бўп кетган мўридай.

Сипо эди бу Қайсар,  
Кўйинини хўжадай,  
Энди қолди шалвираб,  
Ўвдан чиққан жўжадай...

От устида Ойчинор  
Қараб турди бир майдон,

Бели қолган букилиб,  
Тер оқади ҳар жойдан.

Шунда Ойчинор кўнглида айтди: «Зарба ўтса, эркаклар ҳам қизлардан шунча қўрқар экан-да? Нега аввалроқ шу ишни қилмадим, бунинг жонини Аламида<sup>1</sup> олмадим. Кел, бўлари-бўлди. Бу жойда ўлдириб кетмайин. Бунинг ишидан Бобирни ҳам бир хабардор қилайин. У қандай жазо беради, кўрайин», деб Қайсарга қараб, бир сўз деб турибди:

Сиртинг одам боласи,  
Ичинг — жайра ё илон,  
Сенсан одам оласи,  
Нима тирик сен билан.

Кенг дунёни сен бетак,  
Яхшиларга тор қилдинг,  
Одамзод боласини  
Не сабабдан хор қилдинг?!

Ғарибларни кўрганда  
Нега қузғун бўласан,  
Сенда қудрат, куч бўлса,  
Одамзодни қирасан!

Хизмат қилиб Бобирга,  
Берганига кўнмадинг,  
Қора экан қилигинг,  
Бу қилиқни қўймадинг.

Ўйлаб турсам сотибсан  
Ҳам элингни, юртингни,  
Пўлат билан тилдирай,  
Энди сенинг уртингни.

Нима қилдим мен сенга,  
Не сабабдан бойладинг,  
Муштипарим энамни  
Қаро ерга жойладинг?!

Отам шўрли қайларда  
Воҳ, болам, деб юргандир,

---

<sup>1</sup> Жой номи.

Балки сенинг тушингда  
Сенга жабр қилгандир.

Ўзинг айтгин, эй, жаллод,  
Арпангни хом ўрдимми,  
Етмиш ёшга киргунча,  
Сени бирор кўрдимми?!

Энам десам, бу танам  
Ейдай бўлиб букилар,  
Булут бўлиб қобогим,  
Тинмай жала тўкилар.

Қилмишингга сен қопхўр,  
Бу кун жавоб берасан,  
Яхшиликка яхшилик,  
Сен-чи, нима оласан?!

Қаранг энди Қайсарни,  
Энди тилга киради,  
Далда бериб ўзига,  
Қадди тиклаб туради.

— Айланагин, қиз жоним,  
Ургулайин, қиз жоним,  
Бир мартага раҳм қил,  
Меҳрибоним, қиз жоним.

Не сабабдан отангни,  
Болам, мендан сўрайсан,  
Не сабабдан, энам, деб  
Атрофингга қарайсан?!

Етим қиз, деб бекларим  
Бунда олиб келганди,  
Қарови йўқ, қолди, деб  
Менга совға қилганди.

Савоб учун мен сени  
Дарров қабул қилгандим,  
Қизим йўқ, қиз бўлсин, деб  
Ўзим ота бўлгандим.

Бунча жабр кўрганинг  
Қайдан билай, қиз жоним,

Ота-энаиғ қолганин  
Кимдан сўрай, қиз жоним.

Энди менга қиз бўлгин,  
Берай ҳарна боримни,  
Сендан садақа қилай  
Қатор-қатор норимни.

Сочларингга, жон қизим,  
Тилла, гавҳар тақтирай,  
Қаниз қилиб қирқ қизни  
Оқ кўшқингда боқтирай.

Зебу зийнат тақтириб,  
Куймаганин куйдирай,  
Мушқу анбар септириб,  
Суймаганин суйдирай.

Узинг суйган йиғитга  
Мен берайин, жон қизим,  
Давлатингда ёнбошлаб  
Жон берайин, жон қизим.

Қуръонни ол хуржундан,  
Ушлаб қасам ичайин,  
Сенинг учун, жон қизим,  
Ширин жондан кечайин.

Қайсарнинг бу гапини  
Тинглаётир Ойчинор,  
Қасам ичар ёлвориб,  
Кўндирсам дер ҳийлағар.

От устида Ойчинор,  
Бу гапларга кулади,  
Ишонтирдим, деб Қайсар,  
Қиз жоним, деб жилади.

Қош-қобоғи керилиб,  
Сўзлаётир Ойчинор,  
Ҳали кўндир муроиди,  
Кўзлаётир Ойчинор.

— Сенинг отинг Қайсарбек,  
Қон яламай юролмас,

Бечорани кўрганда,  
Бошин узмай туролмас.

Чаён бўлиб чақасан  
Одамзодни кўрганда,  
Илон бўлиб аврайсан  
Ўзингдан зўр кўрганда.

Ичи қора ниятнинг,  
Ўлсанг-да оқ бўлмайди,  
Сут билан кирган нарса  
Чирганда кетмайди.

Қора кўмир қорадир,  
Ўзинг оқ қил, кўрайин,  
Бу қилични касов қил,  
Сўнгра мен тан берайин.

Ота деган улуғ сўз  
Кетсин сенинг ўзингга,  
Мол турганда бола ҳам  
Кўришмайди кўзингга.

Шул сўздан сўнг Ойчинор  
Отни қистаб боради,  
Илиб олди ёқадан,  
Бедовга ўнгаради.

Қамчи уриб чоптириб,  
Кетди лашкар изидан,  
Қирқиб чиқди Ойчинор  
Лашкарларнинг олдида.

Ўзи ҳайрон Ойчинор,  
Қайдан келди бундай куч,  
Йўлнинг қоқ ўртасида  
Бобир бўлди дучма-дуч.

Подшоҳ бундай қаради,  
Вазир отда осилган,  
От устяда қиз бола,  
Қилич белга тақилган.

Бобир бу ишларни кўриб, ҳайрон бўлиб, қизнинг иши-  
га аччиғи келиб, Ойчинорга қараб, бир сўз деб турибди.



Қизмисан, ё улмисан,  
Узим бўлдим ҳайрона,  
Қатта вазир олдингда,  
Бўпти кўнгли вайрона.

Достонларда айтилган  
Ёки учар жинмисан,  
Эртақларда айтилган  
Осмондаги кунмисан?!

Олдингдаги вазирни  
Не сабабдан бойладинг,  
Ортган молу мулкини  
Қаёнларга тайладинг?!

Ботирдан зўр туришинг,  
Қобоғингдан қор ёғар,  
Мустар турар вазирим.  
Ё бўлдим гуноҳкор?!

Нега келдинг бу жойга,  
Узинг қайдан бўласан,  
Не сабабдан вазирни  
Бойлаб бунда келасан?!

Вазир бўлса гуноҳкор,  
Гуноҳини сўрайин,  
Узинг бўлсанг гуноҳкор,  
Таъзиригини берайин.

От устида Ойчинор  
Қадди ростлаб қаради,  
Бобирнинг бул гапига  
Энди жавоб беради:

— Менинг манзля-маконим  
Қаттапойшнинг устидан,  
Қуя-қуя кул бўлдим  
Бу золимнинг дастидан.

Бобир икки навқари  
Зўрлигини билдирди,  
Онамни дер Ойтўти,  
Бу золимлар ўлдирди.

Отам қолди бир ўзи,  
Сарсонлар бўп юргандир,  
Қатта-катта тошларга  
Манглайини ургандир.

Уйга бойлаб ўзимни,  
Қушдузи чиқармади,  
Нега бўлдим гуноҳкор,  
Бирор нарса демади.

Шайбонийга навкарин  
Нома ёзиб юборди,  
Лашкар тортиб келсин, деб  
Бера берди хабарди.

Уста оп кеп кечаси,  
Ноғорани ясади,  
Турди ошиқ уммаси,  
Бу ҳийлани ўхшати.

Тушунмадим, буниси  
Нима учун керакдир,  
Олдимдаги бу вазир  
Асл қора юракдир.

Бугун лашкар жўнади,  
Бу бурилди изига,  
Қочиб ўтмоқчи бўлди  
Шайбонийнинг ўзига.

Давр сурмоқчи бўлди,  
Бек бўп турмоқчи бўлди,  
Шайбонийга никоҳ қип,  
Мени бермоқчи бўлди.

Бўларимни билган сўнг  
Далда бердим ўзимга,  
Кенг дунё узукча  
Кўринмайди кўзимга.

Бориб миндим бедовга,  
Навкарларни ўлдирдим,  
Банди қилиб ўзини  
Мана буида келтирдим.

Ойчинор бу гапларни айтиб, Қайсарни отдан тушириб қўйди. Бобир бу ишларни эшитиб, қаҳри келиб, қобоғи уюлиб, Қайсарбекка қараб: — Қани айт, Қайсар! Шу гаплар ростми? Ногорачи, сен ҳам ўша погорани олиб кела бер!— деди. Шунда Қайсарбек ўзини Бобирнинг оёғи остига ташлаб, бўғини бўшаб, кўзини ёшлаб, бадаши жўшиб:— Эй, шаҳаншоҳ, мен қўлингизни кечиринг! Мен ҳамма гуноҳларимни бўйнимга олдим. Менинг Шайбонийга хабар берганим, унга кўмаклашганим рост. Энди менинг бир қошиқ қонимдан кечинг. Мен ўлгунимча сизнинг содиқ итингиз бўлайин,— деди. Шунда Бобир:— Бу қизни нега хўрладинг?— деди.— Бу қиздан хабарингиз йўқ. Эсингизда бўлса, бир Назар деган бой келиб қалинни айтган эди. Шунда сиз қизнинг ақлига тасанно айтган эдингиз. Мен шунда: «Бобир буни олиб келса, ақлли бўлса, менинг ҳам сиримни ошкор қилмасин», деб олдириб келтирдим. Лекин отавнасидан хабарим йўқ,— деди.— Ҳа, илон боласи! Шайбоний менга ҳозирги саволни айтди-ю, мен унинг ким эканлигини билмадим, сеп экансан-ку! Тўғри, қуртсан, ҳар дони қуртлингича қоласан. Жаллод!— деди. Қайсарнинг доди-войига қулоқ солмади. Жаллодлар бўйинни узиб:— Энди не қиларсан,— деб бир сўз айтиб турибди:

Қулоқ солгин, Ойчинор,  
Сенга айтай сўзимни,  
Қўрмасам ҳам ўзингни,  
Эшитганман сўзингни.

Доноларнинг доноси,  
Ҳар иш келар қўлингдан,  
Қувват олар таққанда  
Исфиҳон ҳам белингдан.

Бугун билдим Қайсарни,  
Энди кўзим очилди,  
Шундайнинг қилигидан  
Тахтим сассиз йиқилди.

Еки ёшлик қилдимми,  
Тергаб-тергаб билмадим,  
Емон тузалар дедим,  
Тандан жонин олмадим.

Қўйнимдаги олтиним  
Илон бўлиб ўрлади,

Белимдаги камарим  
Ушламоққа тўр олди.

Дўст деб касов ушласам,  
Душман бўлди ўзимга,  
Ўйласам кенг дунё  
Тор кўринар кўзимга.

Қилдим бобом ишини,  
Қопир, деб гап тарқатди,  
Авлиёга сизиндим,  
Имонсиз, деб тош отди.

Майли, кетса, тахт кетсин,  
Эсон бўлсин муна бош,  
Эзиларман гоҳида  
Қолиб кетди қариндош.

Йигиб олсам ҳушимни  
Яна бир бор келарман,  
Ҳеч қилмаган ишимни  
Қайта бошдан қиларман.

Ҳар ўйласам элимни,  
Эзилади юрагим,  
Ҳар юртим деб ўйласам,  
Титирайди баданим.

Ойчиноржон, Ойчинор,  
Менга сингил бўл энди,  
Юрт-элим деб соғинсам,  
Менга ҳамдард бўл энди.

Сен тиласанг бошимни,  
Қилич билан кесайини,  
Сенинг учун дарёдан  
Этик билан кечайини.

Мен ниятимни айтдим,  
Ихтиёринг ўзингда,  
Мен билмайман, Ойчинор,  
Кимлар қолган нзингда?!

Бу гапларни эшитиб, Ойчинор ҳам бир сўз деб турибди

Қиёматли акам, деб  
Сингил бўлай майлига,  
Усайин, деб борида  
Бир гул бўлай майлига.

Лекин, ака, сиз билан  
Кетолмайман, дардим бор,  
Айта берсам дардимни,  
Эриб кетар тоғда қор.

Қайда қолди, билмайман,  
Энажоним мозори,  
Бизларга кўп ўтгандир  
Душманларнинг озори.

Қиблагоҳим қайларда,  
Мени сўраб юргандир,  
Эсиз, бахтим қора, деб  
Манглайинга ургандир.

Тоғиб олиб отамни  
Манглайидан силайин,  
Фарзанд бўлиб олдида  
Ҳикматини қилайин.

Ул кўрмади, қиз кўрди,  
Мен ҳам улдай бўлайини,  
Менга берди жонини,  
Мен ҳам борим берайини.

Мендан бошқа кими бор,  
Қимникига сигади,  
Бировдикка<sup>1</sup> пон деса,  
Аямайди, сўкади.

Фарзанд қилиб нетади,  
Қаро кунда чопмасам,  
Бола қилиб нетади,  
Йиқилса суямасам.

Мендан бошқа йиқилса,  
Тоғи йўқ, тираги йўқ,  
Менга улуг жонимдай,  
Бошқага қераги йўқ.

---

<sup>1</sup> Бегонага.

Жавоб беринг, акажон,  
Излаб-излаб топайин,  
Сой-қирларга отам, деб  
Топганимча чопайин.

Агар топсам ҳаловат,  
Ўз жойимда қоларман,  
Отам гапга кўндирсам,  
Сизни излаб келарман.

Бу гапларни Ойчинор  
Бек Бобирга айтади,  
Отининг бошин буриб,  
Кейин қараб қайтади.

Хайр, деди бек Бобир,  
Донм бўлгин саломат,  
Ҳеч бошиниңга тушмасин,  
Одамзоддан қиёмат.

Эҳтиёт бўл йўлларда,  
Бек Шайбоний кўрмасин,  
Бобирнинг одами, деб  
Кўп қийноққа солмасин.

Бедовингга қамчи сол,  
Қара қиблагоҳингни,  
Парвардигор бахт берсин,  
Эшитсин-да, оҳингни.

Топиб олсанг отангни,  
Излаб келгин қошима,  
Тилла, зарлар сочайин,  
Агар келсанг бошингга.

Агар насибанг тортса,  
Андижонга бир борсанг,  
Унда Қамбар деган бор,  
Излаштирасанг-да, топсанг.

Бу белгини оп борсанг,  
Не десанг-да, беради,  
Хизматингга ҳар донм  
Тайёр бўлиб туради.

Қоп кетибди деб айтсанг,  
«Бобирнома», ғазаллар,  
Яна бошқа китоблар,  
Китоб эмас, асаллар.

Яна қолиб кетибди  
Бобомнинг юлдузлари,  
Уқир эдим эринмай  
Кечаю кундузлари.

Жангномалар қоп кетди,  
Давлатнинг жиловлари,  
Насиҳатбоп китоблар,  
Отамнинг сийловлари.

Агар қўлга туширсанг,  
Олиб келгин, Ойчинор,  
Уларни бир ўқисам,  
Бир йилга меҳрим қонар.

Агар ўзинг келмасанг,  
Қарвоилардан юборгин,  
Қандай бўлса, Ойчинор,  
Бериб тургин хабарин.

Қиёматли мен аканг,  
Синглим бўлгин, Ойчинор,  
Ҳам юрагим, ҳам орқам,  
Қўнглим бўлгин, Ойчинор!

Омин! Эсон-соғ бўлгин,  
Парвардингор сақласин,  
Саҳар вақти саҳоба,  
Авлиёлар йўқласин.

Утиб кетган яхшилар  
Адо бўлмас куч берсин,  
Сенга ғаним бўлганлар  
Қабоҳатга дуч бўлсин.

Тўқайзорнинг устида  
Бедов отлар тайрилди,  
Хайрлашиб иккови,  
Икки ёққа айрилди.

Қайсар қўйган кемага  
Ойчинор ҳам келади,  
Бобирнинг йигитлари  
Унга ёрдам беради.

Сайлаб берди бир бедов,  
Қуйруқ, ёли эшилган,  
Пўлатданми туёғи,  
Босган жойи тешилган.

— Қийин,— деди навкарлар,  
Тўну салла тайлади,  
Барин қийиб Ойчинор,  
Камарини бойлади.

Қиз эди, бўлди йигит,  
Мард келолмас қошига.  
Сочини тугиб, саллани  
Урай берди бошига.

Ҳайдай берди кемачи,  
Ойчинор оғи устида,  
Сувлар урар буралиб,  
Балиқлари пастиди.

Ҳайдаб-ҳайдаб кемачи,  
Олиб келди бу томон,  
Шукур қилди Ойчинор,  
Келиб тушди-да, омон.

Бедовини Ойчинор  
Энди йўлга солади,  
Жилов бермай сағана,  
Уйнаб кетиб боради.

Кетаётир Ойчинор  
Ҳайбати бир шердай бўл,  
Қиз ҳам бўлса ҳар этни  
Иркилганда қирдай бўл.

Бургутдай бўл қобогин  
Кўз устига ўйилган,  
Билаклари темирдай,  
Қўққисдан куч йиғилган.



Кийиб олди совутни,  
Қилич ботмас, ўқ ўтмас,  
Юраги бир қоплондай,  
Ҳарба қилган тек кетмас.

Ёқутлардан тақтирган,  
Бошда лўнги салласи,  
Ким чиқса-да олдидан  
Қуриб борар силласи.

Духоба тўн устида  
Жасадига ярашар,  
Унда-бунда одамлар  
Ким экан, деб сўрашар.

Ҳайбатини кўрганлар  
Қочиб чиқар йўлидан,  
Камарида исфиҳон  
Чиққидай бўп қинидан.

Кимга тиклаб қараса,  
Бўшаб борар бўғини,  
Гапиришга дармон йўқ,  
Очолмайди жағини.

От устида Ойчинор  
Тортинмай кетаётир,  
Утиб кетган жойида,  
Бозор бўп қолаётир.

Кучни берган худойим,  
Хусни ҳам берибди,  
Юсуфнинг жамолини  
Бунга ҳадя этибди.

Ким танийди, қаердан  
Унинг манзил хонаси,  
Ундай-бундай йигитни  
Туголмайди онаси.

Бир хил-бир хил мақтанчоқ,  
Акам, дейди, туради,  
Сенга бундай акалар  
Битмайди, деб уради.

Кўзи тушса келинлар  
Бир кун қолар жойида,  
Шунга хотин бўлсанг, деб  
Келин бўлар ўйида.

Бозордаги савдогар  
Ташлаб қочар қўйини,  
Одамларни итариб,  
Бир кўрсам, деб бўйини.

Қалавачи қизларнинг  
Қалаваси қоп кетди,  
Букирайган момонинг  
Бели тикка бўп кетди.

Ҳеч кимсага қарамай,  
Кетаётир Ойчинор,  
Утиб кетган жойида,  
Олти кун бўлар бозор.

Остидаги тарлон кўк  
Йўрға тортиб боради,  
Босган жойдан тупроқни  
Кўкка отиб боради.

Эгарининг бошини  
Соф олтидан қўйдирган,  
Узангиси ялтилар,  
Нуқурадан эндирган.

Сағрисида қуюшқон,  
Қуббалари олтидан,  
Ўмировга боғланган  
Зарҳал ола қайишдан.

Дикдикаси ипакдан,  
Сачоғида зумрадлар,  
Юганлари кумушдан,  
Пўпак бўлган марварид.

Абжўш наҳал қоқтирган  
Туёғининг остига,  
Мумиёдай ботади  
Тушган тошнинг устига.

Айллари қолидан,  
Гулви солиб ишлаган,  
Четларида чирози  
Кўп ҳашамлаб ташлаган.

Айилининг устидан  
Пуштанини тайлаган,  
Пуштанининг устига  
Олмос тошлар жойлаган.

Остидаги тарлон кўк  
Қалдирғочдай қияди,  
Чўпчиганда калласи  
Булутларга тияди.

Путининг орасидан  
Юкли туя ўтгудай,  
Оғзин очиб пишқирса,  
Кўкда булут қочгудай.

Умганига урилса,  
Тоғ ёрилиб кетгудай,  
Сағрисига қарасанг  
Саккиз кампир ётгудай.

Қулоқнинг орасига  
Товушқонлар пусгудай,  
Икки бурнининг дами  
Арчаларни кесгудай.

Босиб кетган изига  
Бир қанор ун кетгудай,  
Қичаб туриб чув, деса,  
Учар қушдан ўтгудай.

Элтак-селтак бадани  
Чилланинг қотган музидай,  
Бадандаги оқ кўпик  
Туркманнинг ола бўзидай.

Силтаниб туриб жўнаши  
Тулкини қувган тозидай,  
Қалла чайқаб ўйнаши,  
Пора еган қозидай.

Муқомсиб оёқ тайлаши  
Бойларнинг эрка қизидай,  
Баданда темтик холлари  
Осмоннинг ол юлдузидай.

Қуйруқни силтаб тайлаши  
Яйловдан қайтган кўзидай,  
Дилгирсиб туриб жўнаши  
Сусарнинг ўткир кўзидай.

Бурилиб туриб жўнаши  
Уқлардан қочган қулондай,  
Бўйинининг кўтарилиши  
Пишқириб чопган илондай.

Чўзилиб туриб жўнаши  
Мерганнинг отган ўғидай<sup>1</sup>.  
Ўтиб кетган шамоли  
Кўмирнинг ўткир чўғидай.

Жилов тортиб Ойчинор  
Бедов отин ўйнатди,  
Катта нишаб жойлардан  
Тиккасига тайлатди.

Уз ўйига ўзи банд,  
Кетаётир Ойчинор,  
Қанча-қанча овулдан  
Ўтаётир Ойчинор.

Сурув-сурув қўйлардан  
Четлаб ўтиб боради,  
Тўда-тўда карвондан  
Қимтиб ўтиб боради.

«Тўхта!»— деган бир товуш  
Қулоғига келади,  
Бир ёнига Ойчинор  
Кўз қириман қаради.

Икки навкар от чопиб  
Келаётир ёнидан,

---

<sup>1</sup> Уқидай.

Тўп-тўп бўлиб навкарлар  
Келаётир кейиндан.

Икки навкар сўкиниб,  
Олдини кеп ўради,  
Бири келиб жиловдан  
Қўймай ушлаб туради.

— Сен Бобирнинг одами,  
Подишога юр,— дейди,  
Билмайди депсан бизни,  
Кўргиликни кўр,— дейди.

— Навкар,— деди Ойчинор,—  
Қулоқ солгин сўзима,  
Уғлинг бордир ё қизинг,  
Яқинлашма ўзима.

Бобирнинг билмайман,  
Энди йўлдан қочинглар,  
Ўлжа қилмоқчи бўлсанг,  
Майли, жондан кечинглар.

Тирик бўлсам, билинглар,  
Асло отдан тушмайман,  
Сендайларнинг ўнингдан  
Олишсам-да, қочмайман.

Икки навкар қиличин  
Энди қиндан олади,  
Писанд қилмай Чинорни  
Икки ёқдан келади.

— Улдинг,— дейди Ойчинор,—  
Энди қолма армонда,  
Ўйлаб турсам икковинг  
Энди бўлдинг шарманда.

Икковини жуппай қип,  
Қиличини сермади,  
Танаси от устида,  
Қалласини кўрмади.

Бунни кўрган навкарлар  
— Тўхта!— деб от чопади,

Итдай бўлиб ириллар,  
Етса балки қопади.

Бедовини ўйнатиб,  
Кетаётир Ойчинор,  
Қўлидаги қиличи  
Ой тувгандай ярқиллаб.

Навкарларнинг сўкиши  
Жондан ўтиб боради,  
Бедовини тўхтатиб,  
Бир изига қаради,  
Сони йўқ кўп навкарлар  
От чоптириб келади.

Энди билди Ойчинор  
Қиёматнинг бўлишини,  
Ким билади майдонда  
Ким ўлиб, ким қолишини.

Қочган билан Чинорни  
Қайга борса қўймайди,  
Ушлаб олса жиловдан  
Ялинганман қўймайди.

Отдан тушиб Ойчинор  
Айилини тортади,  
Уртангани озмиди,  
Булар сўкиб ўртади.

Салласининг остидан  
Добилини туяди  
Чопонининг устидан  
Совутини кияди.

Чап қўлига маҳкам қип.  
Қалқонини ушлади,  
Худо ўзинг сақла, деб  
Хумор кўзини ёшлади.

От чоптириб навкарлар  
Атрофини ўради,  
От устида Ойчинор  
Индамайин туради.

Келаётир навкарлар  
Қарамай ўнг-сўлига,  
Найза, қилич ушлаган  
Маҳкам қилиб қўлига.

— Тўхтанглар!— деб Ойчинор  
Лашкарларга қаради,  
— Нима гуноҳ қилдим,— деб  
Ҳаммасидан сўради.

— Сен Бобирнинг одами,  
Биз тушганмиз изингдан,  
Навкарларни ўлдирдинг,  
Энди кўргин ўзингдан.

Сени ҳайдаб борамиз  
Шайбонийнинг қошига,  
Қўрғошинни эритиб,  
Қуйдирадн огзингга.

— Бўлмаса кел, навкарлар,  
Кимлар ўлиб, ким қолар,  
Шундай уруш бўлганин  
Гапириб юрсин чоллар.

Аямацглар, майлига,  
Қалла тутдай тўкиясин,  
Қўлда ўткир найзалар  
Солигача суқилсин.

Ким кўрқоғу, ким ботир,  
Шу майдонда билсинсин,  
Тепа қилиб калалар  
Қовунқоқдай ялинсин.

Танадаги қизия қон  
Оқсин бугун шириллаб,  
Утолмасин бедовлар,  
Оққаннга дириллаб.

Шарт кесилсин каллалар,  
Қолсин Сайноқ<sup>1</sup> тошндай,  
Сарсон бўлган таналар,  
Етсин итнинг яшиндай.

<sup>1</sup> Жой номи.

Аяманглар, майлига,  
Қаттиқ серманг қиличи,  
Ҳеч ботирлар кўрмасин  
Бундайин қирғин ишни.

Намойишга тортинглар,  
Дориллатиб карнайни,  
Қабатига қўшинглар,  
Чийиллатиб сурнайни.

Ноғоралар чалинсин,  
Қочсин тоғнинг жондори,  
Билмадим бул урушда  
Қим бўлар қим хундори.

Менман деган ботирлар  
Бугун бўлди кўзма-кўз,  
Ойчинорман лашкарлар  
Бирпас турди юзма-юз.

Мис карнайлар тортилди,  
Уст-устига пориллаб,  
Зап ишланган қиличлар  
Қиндан чиқди шириллаб.

Тақим қоқиб Ойчинор,  
Шердай бўлиб ташланди,  
«Ўзинг эсон сақла», деб  
Икки кўзи ёшланди.

Лашкар билан Ойчинор  
Чоштгоҳда аралашди,  
Не ботирлар кўрмаган  
Ҳеч бундайин савашди.

Тикка тайлар Ойчинор  
Юлдуз учгандай бўлиб,  
Ҳай-ҳайлашар лашкарлар  
Булут кўчгандай бўлиб.

Эсиз-эсиз каллалар  
Тош олмадай тўкилди,  
Не бир сини симбатлар  
Қамовдай бўп букилди.



Не бир йўгон бўйинлар  
Қесилади гарчиллаб,  
Қизиб борар суяклар  
Ут тушгандай чарсиллаб.

Ялтиллаган найзалар  
Сопигача суқилди,  
Қалта бўйин бедовлар  
От остига йиқилди.

Кўтарилди чанг-тўзон,  
Куннинг юзи тутилди,  
Тўпу милтиқ гурсиллаб,  
Таваккалга отилди.

Чангда қолди лашкарлар,  
Бир-бирини кўрмайди,  
Олдидан дуч келганга,  
Шул, деб қилич сермайди.

Томоша қилинг Чинорни  
Силтаб қилич сермади,  
Қилич шамоли тегса,  
Навкар жойдан турмади.

От чоптириб солади,  
Тўда билан тўдага,  
Шундай ботир қизлардан  
Кўрқоқ бўлсин садаға.

Ҳар қилични сермаса,  
Уни таппа ётади,  
Кўрқиб қолди мерганлар,  
Кўзин юмиб отади.

Чарчаб борар Ойчинор,  
Душман кўндир, бул якка,  
Қатта-қатта жилғалар  
Тўлиб борар ўликка.

Жам бўп келган қиличга  
Қалқонини тутади,  
Унг қўлида олмоси  
Текканини ютади.

Тиғиз бўлиб қолмаса,  
Ериб туриб қочади,  
Тўда-тўда лашкарни  
Қизиқтириб сочади.

Қочди, дейишиб лашкарлар  
Қувишади изидан,  
Бош кетганин билмайди,  
Қолаётир ўзидан.

Жана-жана жойлардан  
Жориб шайлаб боради,  
Нечовини қонига  
Қориб тайлаб боради.

Аста-аста камайди  
Лашкарларнинг гобирини,  
Лапанглаб талаётир,  
Сувсиз тоғнинг ғажирини.

Саф ирғалган найзалар  
Қампшдай бўл урилди,  
Олмос, пўлат қиличлар  
Юзи<sup>1</sup> кейин бурилди.

Сераксиётир лашкар,  
Тонгда юлдуз учгандай,  
Унда-бунда лош қолди,  
Ерга машоқ тушгандай.

Сонсиз эди лашкарлар,  
Учдан бири қолмади,  
Ойчинорнинг қиличи  
Аждаҳодай ямлади.

Қўрқа берди навкарлар  
Қўй бўрини кўргандай,  
Чумчуқ бўлиб ўзлари,  
Бошда бургут тургандай.

Ойчинорнинг зарбаси  
Жондан ўтиб боради,  
Кўзи тушган навкарнинг  
Эси кетиб боради.

---

<sup>1</sup> Юзи қайтди; учи, тиғи қайтди.

Нечовлари ўлиқка  
Қўмаётир ўзини,  
Ғажир, чўқиб тортса ҳам,  
Ҳеч очмайди кўзини,

Нечовлар Гўрўгли  
Келдимикин,— дейишди,  
Минглаб қирган,— деб эди,  
Рост экан-да,— дейишди.

Ёки Рустам Достонми,  
Шунда ўтган, деб эди,  
Достонида ёзишган,  
Юзта қўйни еб эди.

Не бўлса-да, бирови  
Бунда келган экан-да,  
Чини билан кўп гуноҳ  
Биздан ўтган экан-да.

Навкарларнинг барида  
Тани-тоқат қолмади,  
Қим ўлдию ким қолди,  
Ҳисобини билмади...

Нечовлари навкарнинг  
Қочаётир паналаб,  
Келиб қолса Ойчинор,  
Инглаётир эналаб.

Қочмаганин Ойчинор  
Икки буклаб савалаб,  
Нечовлари, ўлдим, дер,  
Манглайига тебалаб.

Қайдан келди бундай куч,  
Ойчинор ҳам билмайди,  
Ясов тортиб келганга,  
Сен нимасан, демайди.

Жабр тортган Ойчинор  
Тўйдимикан жонидан,  
Шунга жирканмадими  
Одамзоднинг қонидан.

Мард бошига иш тушса,  
Этик билан сув кечар,  
Иш тушганда бошига  
Сувни қўйиб қон кечар.

Етиб қолма, отиб қол,  
Оринга ор оласан,  
Етиб қолсанг бир жойда  
Етганинча қоласан.

Душман ҳар дам душман-да,  
Ўлдирмасанг, ўлдирар,  
Душман дўстлик қилмайди.  
Босса қўнглинг тилдирар.

Шушганика Ойчинор  
Қочса, қувиб етади,  
Қиличини сермаса,  
Икки бўлиб ўтади.

Қиличини навкарлар  
Таппа-таппа тайлади,  
Қочган билан қутулиб  
Бўлмайди, деб ўйлади...

— Биздан ўтди таадди,  
Сизга қилдик ёмонлик,  
Бегим, бизни кечиринг,  
Бизга беришг омонлик!

Биз бечора навкармиз,  
Бек айтганин қиламиз,  
Қилмаймиз, деб гапирсак,  
Беш кун кўрмай ўлаамиз.

Фармон берди Шайбоний:  
— Бобир беги кетди,— деб  
Қистаб етинглар!— деди,  
Балки Ангор етди,— деб.

Сизни қувиб биз етдик  
Қизириқнинг<sup>1</sup> чўлида,  
Оёқ билан кеп тушдик  
Сиздек марднинг қўлига.

<sup>1</sup> Жой номи.

Ростин айтсак, биз сизни  
Бойлаб бормоқчи эдик,  
Тилла эгар, жабдуқни  
Совға қилмоқчи эдик.

Ўзингдан зўр чиққанда,  
Оёғинг тибир-тибир,  
Менман деган навкарлар  
Йиқилишди бирма-бир.

Энди сизда ихтиёр,  
Не иш бўлса қилайлик,  
Қайга борсангиз, майли,  
Сизга навкар бўлайлик.

Бўйин эгиб ҳаммаси  
Таъзим қилиб туради,  
От устида Ойчинор  
Гапга жавоб беради.

— Ҳеч эгилган бўйинни  
Урсам қилич кесмайди,  
Муте бўлиб турганга  
Отсам, найзам ўтмайди.

Майли, бердим омонлик,  
Ихтиёриг ўзингда,  
Сарсон бўлиб юрманглар  
Тағин менниг изамда.

Шайбонийга айтинглар,  
Унинг билан ишим йўқ,  
Молу давлат керакмас,  
Олтин билан ҳушим йўқ.

Мен йўлларда сарсонман,  
Хуморимни излайман,  
Бўйнимдаги қалқоним,  
Туморимни излайман.

Борадиган маконим  
Қайда экан билмайман,  
Менга тилла тахт бериб  
Қол, деганман қолмайман.

Бориб айтгин бегингга  
Мени излаб юрмасин,  
Одамзоднинг қонига  
Завол бўлиб турмасин.

Буни айтиб Ойчинор  
Бедов отин буради,  
Қизириқнинг чўлида  
Отни қичаб боради.

Борди шаҳри Гулгула,  
Мачитлари кўринди,  
Совигандай бедов от,  
Гўшт сонига турилди.

Беғам бўлиб Ойчинор  
Келаётир кейнидан,  
Катта оққан дарие  
Чиқди шу вақт олдидан.

Шунда Ойчинор отдан тушиб, Тарлон бўзни суғориб, ўтга қўйиб, ўзининг қонга ботган жойларини ювиб, чарчаган эмасми, тўнини соя қилиб бир майдон ётди. Урушда енгилган навкарлар ҳам от-отига мишиб, Шайбонийга қараб жўнади. Шайбонийга бўлган воқеани айтди. Шайбоний ҳам унинг зўрлигига тан бериб: «Агар ушласам, гапга кўндирсам, бир қўрғон беги қилиб, ўзимга ул қилиб олар эдим», деб ўйлади. Шайбоний ҳам тўп-қўрхонасини ортиб: «Қайсардан ҳеч дарак бўлмади. Улмаса ахир бир кун келар», деб Андижон қараб жўнади.

Ойчинор ҳам неча вақт ётганини билмайди. Жойидан ирғиб туриб қаради. Тарлон бўз ўтлаб юрибди. Отини кўриб, хаёли жойига келиб, минг марта худога шукур қилиб, юз-қўлини ювиб, озроқ тамадди қилиб, хуржунини Тарлон бўзга солиб, оёғини узангига қўйиб, тонг вақти отининг белига минди. Отни ҳайдаб, сувдан ўтказиб катта тўбага чиқиб, у ёқ-бу ёққа қаради. Кўрди: тонг вақти, ўзи келган чўлдан сонсиз машъала баҳордаги селдай бўлиб келаётир. Шунда Ойчинор: «Навкарлар бориб айтган бўлса, энди Шайбонийнинг ҳамма одами изимдан тушган бўлмасин. Уз-ўзимдан уйғондим, бунга ҳам шукур. Тулки айтар экан: «Етмиш икки ҳийлам бор, энг яхшиси кўзга кўринмайин». Нима қилса ҳам яккаман, кўза кунда эмас, кунда синади. Қе, яхшиси буларга кўринмай кетганим маъқул», деб Тарлон бўзнинг жиловини қўйиб, бир-икки қамчи уриб юборди. Дамини олган, яна қамчи зарбида

Тарлон бўз калла чайқаб, сувлиқ тишлаб, қулундай бўлиб  
букланиб, ўзини отиб келаётир:

Иш тушганда Тарлон бўз  
Кўрсатади ўзини,  
Чўпчиб ўзини тайлайди  
Йўлдан узмай кўзини.

Бугун томоша қилинг  
Тарлон бўзнинг ишини.  
Тўрт пойчага йиғади  
Қувватини, кучини.

Ҳар туёғин тайласа,  
Гумбурлайди сувсиз чўл,  
Шамолига чайқалар,  
Чиқиб қолса агар қўл.

Тарлон ўтган жойлари  
Олти кун чангиб қолди,  
Булут қочиб осмондан  
Ерлар ҳам чанқаб қолди.

Кетаётир Тарлон бўз  
Кундузию кечалар,  
Шамолига ётади  
Йўл бетига арчалар.

Тарлон бўзини кўрай, деб  
Осмонда ой тугилди,  
Шул бедовнинг шаштига  
Дарбанд дарё буғилди.

От одамнинг йўлдоши,  
Шундай кунда яради,  
Устидаги Ойчинор  
Хурсанд бўлиб боради.

Тепая сой, жилғалар  
Қониб қолиб боради,  
Шундай кунда шул тулпор  
Ойчинорга яради.

Зарба билан босган ер  
Қарса-қарса ёрилди,

Майда бўлди қора тош,  
Тўпироққа қорилди.

Добирига гумбирлар  
Сувсиз тоғнинг дараси,  
Шунча юрса кўринмас  
Қаттапойнинг қораси.

Сурув-сурув қўйларни  
Четлаб ўтиб боради,  
Ундай-бундай сойлардан  
Ҳатлаб, ўтиб боради.

Кўрди икки чинордан  
Ўтиб кетди саҳарда,  
Отини қистаб Ойчинор  
Ҳайдаётди наҳорда.

Кетаётган Тарлон бўз  
Аста толиб боради,  
Қулогининг тагидан  
Терлар оқиб боради...

Оқ довоининг устидан  
Ошиб, кетиб боради,  
Отам, дейди Ойчинор  
Шошиб, кетиб боради.

Шўробдан бурди отин,  
Қаттапой ҳам кўринди,  
Кўриб юрган элини,  
Юраклари хўрсинди.

Тортди тоғнинг устига,  
Кўрсам дейди отасин,  
Отасидан сўраса,  
Нима бўлган энасин.

Чикди тоғнинг устига,  
Қарай берди уйига,  
Уйи йўқу, ўрни бор,  
Еш келади кўзига.

Бориб отдан тушади,  
Ўрни қолган жойига.



Уйлаб қолди Ойчинор,  
Етолмайди ўйига.

«Энажоним қайдайкин,  
Ё тузалиб кетдими,  
Ути йўқ, деб бу ернинг,  
Бошқа ёққа кўчдими?»

Шартта мннди отини,  
Чиқди тўба-тўбага,  
Тиклаб-тиклаб қаради,  
Ҳавор билан ҳаворга.

Бир арчанинг остида  
Битта қапа кўринди,  
Шул бўлса деб Ойчинор  
Уйнаб-кулиб бурилди.

Икки ит чўпоннинг  
Кўриб чопиб келади,  
Қараса, ўз итлари  
Хурсанд бўлиб боради.

Танидими итлари,  
Чўпчиб-чўпчиб ўйнайди,  
Айланиб Ойчинорни,  
Юрдиргани қўймайди.

От устида Ойчинор  
Юришдан бўлди безор,  
Яқинлашди қапага,  
Чопиб чиқди Эрназар.

Танимади акаси,  
Салом берар букилиб,  
Хурсанд бўлар Ойчинор,  
Кўзда ёши тўкилиб.

Отдан тушди Ойчинор,  
Қапа томон юради,  
Отининг жиловини  
Эрназарга беради.

Салом бериб Ойчинор  
Энди уйга киради,

Уйда бегона одам,  
Тўхтаб ҳайрон қолади.

«Ўтиринг!»— деб бу чўпон  
Бўлар гирди-капалак,  
Қандай ўйга солади,  
Жафо солган бу фалак.

Дармон кетиб танадан,  
Илла Чинор ўтирди,  
Бу қапа бошқа экан,  
Ҳаммасин бир-бир кўрди.

Сўрагани юраги  
Тати туруш бермайди.  
Эси кетиб боради,  
Турай деса, турмайди.

Юрагидан хўрсиниб,  
Йиғлай берди Ойчинор,  
Ота билан энасин  
Сўрай берди Ойчинор.

— Қулоқ солинг, чўпонлар,  
Келдим кимнинг уйига,  
Сизлар чўпон бўлибсиз,  
Айтинг кимнинг қўйига?

Қўйларни мен танидим,  
Қайда қўйнинг эгаси,  
Итларни мен танидим,  
Қани унинг оғаси?

Олдин келган вақтимда,  
Бошқа чўпон боқарди,  
Эчкиларни чирийлаб,  
Бошқа хотин соғарди?!

Бу чўпонни танидим,  
Шу чўпоннинг чоқари,  
Ана тўба пастида  
Биргалашиб боқарди.

Насияга бир қўйнинг  
Пулин бериб кетгандим,

Шу қўйни олайин, деб  
Мана бугун келгандим.

Қайдалигин айтинглар,  
Уни излаб бораини,  
Қиёматда қолмасин,  
Насияни олайин.

Қўрқиб-писиб бу чўпон  
Энди жавоб беради,  
Қабатда Эрназар  
Индамайин туради.

— Абдулла дер ўзимни,  
Назарбойнинг чўпони,  
Ҳали ҳақ ҳам берган йўқ,  
Кийдирди бу чопонни.

Холиёрнинг қизини  
Қимдир олиб кетибди  
Ойтўтининг кўксига  
Пичоқ билан урибди.

Таёқ еган Холиёр  
Воҳ, болам, деб қолибди,  
Эртасига хотинин  
Мозорига қўйибди.

Икки кунда Назарбой  
Менга берди қўйини,  
Шундан бери кўрмадим  
Холиёрнинг ўзини.

Жабр кўрган чўпон-да,  
Қизин қараб кетганми,  
Неча сою қирлардан  
Нариги томон ошганми?

Қайдалигин билмаймиз,  
Борарини айтмаса,  
Бу жойлар бир овлоқ жой,  
Биров-ярим келмаса.

Ойчишорнинг юраги  
Энди ёниб боради,

Айтолмайди дардини,  
Қўзи тиғиб боради.

Отажоним дегани  
Бир ҳамдарди бўлмаса,  
Бунда турган Эрназар  
Хаёлига келмаса.

Ўтирингга қарамай,  
Турди Чинор жойидан,  
Гапирайин дегани,  
Еш чиқади кўзидан.

Бориб отга осилди,  
Қуриб кетган мадори,  
Энди қайга кетдикан,  
Юракдоши, падари.

Отнинг бошин қаёққа  
Бурарини билмайди,  
Эргашибди икки ит,  
Қол, деганман қолмайди.

«Баҳ-баҳ» лашиб чўпонлар  
Чопаётир издан,  
Туролмади Ойчинор,  
Еш қуйилди кўзидан.

Кўздан оққан ёшига  
Отнинг ёли хўл бўлди,  
Воҳ, энам, деб ниграса,  
Тош, арчалар кул бўлди.

Овозини Ойчинор  
Энди қўйиб боради,  
Танда ширин жонига  
Энди тўйиб боради.

— Тилга киринг, ҳайвонлар,  
Отам шундан ўтдимми,  
Айтишлар, ўт-ўланлар,  
Йиғлаб отам ўтдимми?!

Тоғ бошида бўктар<sup>1</sup> қор,  
Қуйган йиғлар зору зор,

<sup>1</sup> Бўктарилган.

Икки итим вафодор,  
Отам шундан ўтдимми?!

Иўлда ётган сирғалар,  
Уни кўрганлар олар,  
Қанқиллаган қарғалар,  
Инглаб отам ўтдимми?!

Жар бошида тўдана,  
Еибошида седана,  
Кўзи ўткир бедана,  
Оҳ, деб, отам ўтдимми?!

Жандалари илنيиб,  
Оёқлари тилиниб,  
Айтгин, зараиғ, эгилиб,  
Воҳ, деб, отам ўтдимми?!

Олисдаги қоралар,  
Дард юракни яралар,  
Оғзи катта даралар,  
Сендан отам ўтдимми?

Сой бўйида ўсган гул,  
Ҳар нарса дер куйган тил,  
Адо бўлмас олис йўл,  
Сендан отам ўтдимми?!

Оҳ, деганда Ойчинор,  
Олти ботмон чўқ чиқар,  
Сой бўйида сайилгар,  
Бундан отам ўтдимми?!

Кимга айтсин дардини,  
Кўзи тушгандан сўрар,  
Кўргидай бўп отасин,  
У ёқ-бу ёққа қарар.

Ойчинорнинг олдида  
Икки бирдай вафодор,  
Ғингшиб-ғингшиб қўяди,  
Кетаётир жонивор.

Ойчинорнинг оҳига,  
Чидай олмас Тарлон бўз,

Уқираниб қишнайдн,  
Ешин тўқиб изма-из.

Шундай қилиб, Ойчинор ўз ўтига ўзи куйиб, Назарбойнинг қишлоғининг устидан бориб қолди. «Кел, бировнинг қарзи бировда қолмасин», деб Назарбойни сўраб бораётир. «Бек келдими, хон келдимй», деб одамлар тўда-тўда бўлиб қараётир. Назарбой ҳам ўз мулозимлари билан ўтирган эди. Биттаси чопиб келиб:— Бир хонми, бекми, келаётир,— деб хабар берди. Назарбой ичиди: «Худоё, худовандо, ундагиларга дуч қилма-да!» деб эшикка чиқди. Ҳамма кишилар югуриб келиб Ойчинорнинг жоловидан ушлаб, етти букилиб, тушинг, деяётир. Шунда Ойчинор Назарбойга айтди:— Ҳов, Назарбой, Холёр деган чўловнинг бор эди, ҳовир қаерда? Тўғрисиини айт!

— Эй, хоним, у жандани нима қиласиз, тушинг, бир зиёфат қилайин,— деди.

— Сенга, айт деяпман!— деди Ойчинор.

— Бир уч кунча бўлди, Тангиҳарамда бир қиз бор-эмиш, қаердан келганини ҳеч ким билмас эмиш, шунн излаб кетди,— деди Назарбой.

— Сен Холёрнинг қизи қаерда экаплигини билмайсанми?— деди Ойчинор.

— Йўқ, билмайман,— деб қасам ича берди Назарбой.

— Сен,— деди Ойчинор,— Холёрнинг қизини оламан ҳам демаганмисан?

— Йўқ, бегим! Худой бор, энди қаридим,— деди.

— Мени танимайсанми?

— Йўқ,— деди Назарбой.

— Танимасанг, мен Холёрнинг укаси бўламан. Сен Ойчинорни олмоқчи бўлдинг, ахири уни Қайсарга олиб бориб бердинг. Ойтўтинн ўлдирдинг, Холёрни сарсон қилдинг, энди шу жабрнинг бир чеккасини сенинг болаларинг ҳам татиб кўрсин,— деб қиличини сермади. Назарбойнинг калласи кетиб, танаси оғир юкдан холис бўлиб, ўйнай берди. Қий-чув бўлиб қолди. Ойчинор отини буриб, отасининг дарагини эшитиб, «қайдасан Тангиҳарам?» деб кетаётир:

Чув, деб отга қамчини  
Чинор бериб боради,  
Совидими жонивор,  
Узин отиб боради.

Катта-катта сойлардан  
Тикка тайлаб боради,

Чиллак бўлиб сагана,  
Энди ўйнаб боради.

Отажоним кўрсам, деб  
Йўлга тиклаб боради,  
Тезда қувиб етади,  
Агар кўрса қорани.

Қариганда қўлига  
Хасса бўлайин, дейди,  
Йиқилганда белига  
Қувват бўлайин, дейди.

Қоринида қолганда,  
Чпроқ бўлайин, дейди,  
Қиз бўлсам ҳам майлига,  
Қароқ бўлайин, дейди.

Отажонимни топиб,  
Сойиб бўлайин, дейди.  
Отанинг хизматида  
Майиб бўлайин, дейди.

Отажоним ухласа,  
Соя бўлайин, дейди.  
Қалқон қилиб кўксини,  
Қоя бўлайин, дейди.

Надаримнинг бошини  
Қунда силайин, дейди.  
Яратгандан умрини  
Доним тилайин, дейди.

Топганимнинг барини  
Обкеп берайин, дейди,  
Тоғим бор, деб орқамда,  
Хурсанд юрайин, дейди.

Оқработдан ўтганда,  
Сувдай оқиб боради  
Тарлон бўзнинг юриши  
Энди ёқиб боради.

Орқадаги икки ит  
Олдин ўтиб боради,

Сағаналар нимага  
Тезлаб чопиб боради.

«Ҳай, аттанг-а, Эрназар  
Икки итча бўлмади,  
Менинг учун отамга  
Ёрдам бериб турмади.

Суймаганга суйқанма,  
Қўнглинг вайрон қилади,  
Турмушда йўқ ҳаловат,  
Узинг ҳайрон қилади».

Қараб турса, икки ит  
Тезлаб чопиб боради,  
Ғингшиб-ғингшиб қўйиши,  
Бир нарсани биледи.

Чашми обзам устида  
Келаётир бир қора,  
Остида бир эшаги,  
Бу қандайин бечора.

Бу қорага икки ит  
Чопа-чопа тайланди,  
Етиб бориб иккови  
Атрофини айланди.

Шул бўлмасин отаси,  
Йиқилганда тераги,  
Тўлиб-тошиб боради  
Ойчинорнинг юраги.

Қистаб Тарлон бўзини  
Энди етиб боради,  
Отажони, ғамхўри  
Эканлигин кўради.

Қариндошнинг товуши  
Қоронғуда белгили,  
Холёр ҳам тикилади,  
Шуми излаган гули?!

Тўлиб қолган юраги,  
Ғапиролмас Ойчинор,



Қизжоним, деб эшакдан  
Тушаётир Холиёр.

Гапиролмас Ойчинор,  
Шивирланиб сўйлади,  
Тушай деса мадор йўқ,  
Отдан ўзин тайлади.

Етиб келиб отаси  
Сочини силаётир,  
Қизжоним, дер, қизжоним,  
Хўрсиниб жилаётир.

Отажон, деб Ойчинор  
Юзидан ўлаётир,  
Искаб-искаб кўксини,  
Меҳрига тўяётир.

Қанот қоқиб учди  
Тоғларнинг бургутлари,  
Чир айланиб ўйнайди  
Ойчинорнинг итлари.

Йиғлама, қизжоним, деб  
Тасалли бераётир,  
Ўзи Чинордан баттар  
Хўрсиниб йиғлаётир.

Кўздан оққан ёшлари  
Оқ соқолга тизилиб,  
Йиғламайин, деса ҳам  
Кетар кўнгли бузилиб.

— Йиғламагин, сочингдан  
Мен садаға бўлайин,  
Шукур қилдим қизжоним,  
Олдингда мен ўлайин.

Утов тиксанг адирга,  
Бўсағаси бўлайин,  
Чодирингни тикканда,  
Мен сояси бўлайин.

Отга минсанг, қизжоним,  
Мен қамчиси бўлайин,

Қўй бойласанг эшикка,  
Аргамчиси бўлайин.

Шукрилялло, ўлмайн  
Кўрдим сендай оғамни,  
Қолмадим-да бесойиб,  
Ўлигимга эгамни.

Ҳам энамсан, ҳам отам,  
Сендан бошқа кимим бор,  
Сенсан ёлғиз суйичим,  
Юрак тўла ғамим бор.

Йиғламагин, жон қизим,  
Йиғламагин, Чинорим,  
Сен йиғласанг, чокидан  
Сўкилади юрагим.

Қўй, ёлғизим, қўй энди,  
Ўйнаб-кулиб юрайик,  
Бўйгинангдан айландим,  
Тургин, қизим, турайик!

Алқисса, Холёр қизини юпатиб олди, ўзини ҳам тўхта-  
тиб олди. Ойчинорнинг қадди-бастига қараб Холёр суюна-  
ётир. «Худойим ёлғиз фарзанд берди, шул Чинорим ул бўл-  
мади-да. Ке қўй, фарзандингни қиз дема, қилни қирққа  
ёргансан, фарзандингни ул дема, бетайин иш қилгансан,  
дейишади. Менинг қизим қилни қирқ ёрадиганлардан бў-  
лар»,— деб ўйлай берди.

Ойчинор отасининг соқолларидан силаб, гоҳи-гоҳида  
бўшашиб йиглаб, ўз бошидан ўтган сирнинг ҳаммасини га-  
пириб берди. Умрида бундай гапларни эшитмаган Холёр,  
товба, деб ёқасини ушлай берди.

— Ота!— деди Ойчинор,— онамни қаерга қўйдингиз?

— Каттапойнинг устига,— деди Холёр. Шундан бери  
сени излаб юрган эдим. Мана, адашганинг олди йўл, деб  
худойим сени дуч қилди.

Ойчинор айтди:— Сизнинг ҳам бирон қариндош-уруғин-  
гиз борми? Ўзингиз қаердан келиб Назарнинг қўйини боқ-  
дингиз? Онамнинг қариндошлари қаерда?

Холёр айтди:— Шунча сўрамаган гапингни энди сўра-  
динг, майли, айтай. Мен асли бу ерлик эмасман. Энанг ҳам  
бу ерлик эмас. Боя айтдинг: «Бобирми, ким Андижондан  
чиққан экан», деб. Мен ҳам Андижонданман. Ота-энам

ёшлигимизда ўлган эди. Иккита акам, қариндошларим бор эди. Мени икки акам Самандар деган савдогарникига олиб келиб берган. Шу вақтлар ўн ёшларда эдим. Ўн бешларга кирганимда Самандар мени ўзи билан олиб кетди. Қачча шаҳарлардан ўтдик. Ахирин Сайроб деган жойга келдик. Иккита чинори бор йўл устида. Шу ерда мен чарчаганимданми, ухлаб қолибман, бирортаси ҳам уйғотмабди. Шу Сайробда қолиб кетдим. У жойда бировларга ўтин ташидим, бировларнинг молини боқдим. Йигирма ёшгача шуйғиб сарсон бўлиб юрдим. Карвонларини қайтиб кўрмадим. Ахирин шу жойдаги бир эшоннинг хизматини қилиб юрдим. Йигирма йил хизматини қилдим. Энанг ҳам шу эшоннинг кўлида эди. Уни уч яшарлигида назир қилиб берган экан. Унинг ҳам йигирма тўрт — йигирма бешларга кирган даври эди. Эшон яхши ишлаганим учун шу канизагини менга берди, наридан-бери тўй қилдим. Яна ўн йил эшоннинг хизматини қилдим. Қирқ ёшгача фарзанд кўрмадик. Энанг ҳар доим чинорга қараб менга айтар эди: «Ахир худо фарзанд ато қилса, ул бўлса Чинорбек, қиз бўлса Ойчинор кўямиз». Бир кун эшонникига бир бой келиб тушди. Ораван бир қанча вақт ўтди. Эшон бобо мени сўради, бордим. Айтдиларки: «Бу кишини Назарбой дейдилар, бир чўпон ахтариб келибди. Сизларни шу бойга бердим», деди. Биз кўрпамизни кўтариб бойнинг изидан кела бердик. Эшон бобо бирон нарсани хизмат ҳақинг, деб бермади. Назарбойга эру хотин эргашиб Каттапойга келдик. Бизга кана қилиб, бир сурув қўйини бериб, чўпон қилиб қўйди. Орадан беш — олти йил ўтди. Қаердан топиб, Эрпазарни менга чокар қилиб берди. Шу йили энанг ҳомилдор бўлди. Шундан бери кўрган куним ўзингга аён. Энангку, қариндош туғул туғилган жойини ҳам билмайдн. Меннинг акаларим ҳам борми-йўқми, мапа мен ҳам олтмишдан ошдим. Отамнинг отини Бегали, энамни Ойсулув, акаларимни Берди, Чорнёр, дер эди,— деди Холёр.— Бўлмаса,— деди Ойчинор,— энамнинг мазорини бир зиёрат қилайлик, ундан кейин пима бўлсанг, қариндошинг ичида бўл, деган гап бор, қариндошларингизни излайлик. Акам ҳам менга кўп таъинлаган эди, пима дейсиз!— деб сўради.

— Майли менинг ҳам, бир излаб кўрсам, деган ниятим бор эди, мапа бу ниятимга ҳам етдим,— деб Холёр бир хўрсиниб қўйди.

Ойчинор билан Холёр келаётган эди, олдидан йилқиларини ҳайдаб чўпонлар чиқиб қолди. Ойчинор айтди:— Ҳов, чўпонлар! Бигта отин сайлаб бизга сотинглар. Қўндингдаги пулларингни бераман. Шунда чўпонлар бир жий-

рон отни ушлаб берди.— Эгарлаб ҳам беринглар!— деди Ойчинор. Эгарлаб берди. Пулни мул қилиб чўпонларга берди. Чўпонларнинг йўли бўлиб қолди. Ойчинор билан отаси икки отга миниб, Каттапойга қараб жўнади. Тонг саҳарда Ойтўтининг мазорига борди. Шунда Ойчинор энасининг мазорини қучоқлаб йиғлаёттир:

Энажоним, мадорим,  
Мен бўлмадим боврингда,  
Ўйнаб-кулиб юрмадим,  
Бўстонингда, даврингда.

Менинг учун азобин  
Сен қўрдигини, энажон,  
Менинг учун қон йиғлаб,  
Сен қолдигини, энажон.

Менинг учун саҳарда  
Сачраб турган қувватим,  
Ўйлатмаган, ўйнатган,  
Ўйимдаги давлатим.

Саҳарларда сочимни  
Опиловим, деб сизлаган,  
Умиримни худодан  
Ўзун қил, деб тилаган.

Олди сочимни доим  
Олтов қилиб ўрганам,  
Елка сочимни доим  
Етов қилиб ўрганам.

Хизматингда, энажон,  
Қўлим касов қилмадим,  
Мендай қизинг, гамхўрим,  
Сендан олдин ўлмадим.

Сени бундай кўргунча,  
Манглайларим ўйилсин,  
Мазорингга энажон,  
Берган қонинг қуйилсин.

Сочим билан йўлингни  
Супурмадим, энажон,

Сенинг билан қўшилиб,  
Жон бермадим, энажон.

Туролмади Холиёр,  
Йиглаб берди бўкириб,  
Ойчинорнинг қошига  
Берди жойидан туриб.

— Йигламагин, Чинорим,  
Куйган танам кул қилма.  
Энди қўнган тақдирни  
Қайта бошдан шўр қилма.

Ота-эна ўлиши  
Бўлган одам мероси,  
Бунинг учун тоғнинг ҳам  
Ҳеч бир йўқдир чораси.

Энажоним, йиглама,  
Кел, фотиҳа қилайлик,  
Ҳар бир йилда бир марта  
Зиёратга келайлик.

Алқисса, Холёр ўзини қаттиққа солиб, қизига далда бериб, сўнг ўрнидан турғазиб олди. Иккови фотиҳа ўқиб, жойидан туриб, етти қадам нарига татъим қилиб бориб, бедов отларига миниб жўнай берди.

Шунда Холёр айтди:— Ҳов, Ойчиноржон! Эрназарни ҳам оля кетсакмикан? Еки ўзимиз кета берамизми? Ойчинор айтди:— Қўйнинг ота, қаттиқ кунда қошигда қараб турган қариндош, қариндошлик қилмайди, кетиб қолса эмчакдош, дегандай, қаттиқ кунда қочиб кетган Эрназарни нима қиламиз. Ул ҳам ўз кунини кўрсин.

Иккови тонг вақти жўнаб кета берди. Шул вақт олди-дан отларнинг дупури эшитилди. Назарбойни Ойчинор сулатиб кетгандан кейин Назарбойнинг ўғиллари нима қиларини билмай туриб эди. Назарни жойига қўйиб келган эди. Шу вақтда Шайбойнинг навкарлари ҳам Бобирнинг кўрғопини, экин жойини кўргани келаётган эди. Назарнинг ўғиллари уларга арз қилган эди. Шунда Шайбойнинг ўғиллари берди: «У каззобни тутинглар!» деб Назарбойнинг ўғилларига қўшган эди. Ҳаммаси ўн икки киши бўлиб Каттапойнинг устида қараб турган эди. Буларнинг олдида чиқиб қолди.

Навкарлар кўриб:— Тўхта!— деди. Ойчинор отасини бет қилиб, тўхтаб турди. Навкарлар келиб:— Манови чол эмасми?— деди.— Йўқ,— деди Назарнинг ўғиллари. Бирови Ойчинорнинг қошига келиб, бўйини чўзиб юзига қаради. Бехосдан «ҳий», деб дами ичига тушиб, етти қадам нарига тисарилиб кетди. Бошқа навкарлар Холёрга: «Отдан туш, отинг бизга совға!» деяётир. Шунда Ойчинор келиб:— Бу одам отдан тушмайди,— деди. Навкарлар қаради, қарагани кейин кетиб боради. Назарнинг ўғиллари:— Отамни ўлдирган шул,— деб тура берди.— Отанг ўлсин, отангга қўшилиб сен ҳам ўл!— деб навкарлар кейинга қараб жўнай берди. Аввал урушда қўрган эмасми, бехосдан дуч бўлганига олти кун туз тотмай касал бўлиб қолди. Навкар қўрққанда, Назарнинг ўғилларида жон қоладими, улар ҳам:— «Ўлса отам ўлди, моли бизга қолди»,— деб кета берди. Шунда Ойчинор отасига:— Юринг, ота. Булар бориб бегига айтар. Бир ишқал бўлиб турмасин, эртароқ жўнайлик,— деб отларига қамчи буриб, қайдасан Андижон,— деб жўнай берди.

Қабатида отаси,  
Ойдай бўлди Ойчинор,  
Бнясига эргашган  
Тойдай бўлди Ойчинор.

Бўстонида очилган  
Гулдай бўлди Ойчинор,  
Қиз ҳам бўлди қоплондай,  
Улдай бўлди Ойчинор.

Тотимлиги элига  
Туздай бўлди Ойчинор,  
Узукларга солинган  
Кўздай бўлди Ойчинор.

Ериқлиги юзининг  
Кундай бўлди Ойчинор,  
Муносиб қип тикилган  
Тўндай бўлди Ойчинор.

Отаси бор, орқаси  
Юрганда суринмас,  
Қанча қайғу-ғам келса,  
Бир чибинга кўринмас.

Икковининг кетиши  
Бир жуфт чинор ўсгандай,

Осмоғнинг юлдузлари  
Поёндоз бўп тушгандай.

Булоқдай бўп Ойчинор  
Қайнамоқчи бўлади,  
Отасини қучоқлаб,  
Ўйнамоқчи бўлади.

Сотган эди дунёни  
Энди қараб тўймайди,  
Қучоқласа оламни,  
Искаганман қонмайди.

Кетаётир Чинорнинг  
Баҳри-дили очилиб,  
Салладаги сочлари  
Кенг эғнига ёзилиб.

Қанча-қанча тоғлардан  
Ошиб кетиб боради,  
Бедовларнинг ғайрати  
Тошиб кетиб боради.

Қабатида якки от  
Ўйнаб кетиб боради,  
Ойчинорнинг кўнглини  
Овлаб кетиб боради.

Неча-неча шаҳардан  
Тикка ўтиб боради,  
Қанча-қанча дарёдан  
Кечиб ўтиб боради.

Ким олдидан дуч келса,  
Сўраб кетиб боради,  
Яхшиликка тушсини,  
Жўраб кетиб боради.

Неча-неча ҳафталар  
Ўтиб кетиб боради,  
Андижонга ахир  
Чарчаб етиб боради,

Ойчинор билан Холёр аста-аста юриб, орадан қанча  
вақтлар ўтиб, Андижонга етиб борди, Андижон кенг жой

экан. Холёрнинг эсидан чиқиб кетган. Қўрган кишилардан Берди, Чориёрларни сўрайди, биров билмайди. У қишлоққа, бу қишлоққа бориб, сўраб-суриштириб юрди. Ахири бир қишлоқдаги мўйсафид:— У қўрган тарафида Берди, Чори деганлар бор эди. Уларни бир-икки йилдан бери қўрганим йўқ,— деди. Мўйсафиднинг айтган жойини бориб суриштирди. Қараса, сув ёқасидан бир йигит подаларни ҳайдаб, олдини қайтариб, бақриб юрибди. Холёрнинг кўнглида: «Бу йигитдан ҳам бир сўрайин», деб меҳри тошиб, йигитни чақирди. Йигит келди. Йигит энди камолга етган, кўзлари олмадай пишган, нақларига янгигина соқол сабза урган, тўладан келган. Кўзлари оловдай ёнган, бир нарсадан қайтадиган эмас. Шунда Холёр:— Ҳов, бўтам, сен кимнинг ўгли бўласан?— деди.— Мен Чориёр деганининг ўгли бўламан, отимни Омонёр дейишмани.— деди. Холёр шу оғамнинг ўгли бўлмаса, деб юраги гупирлаб ура берди.— Отанг қаёқда?— деди Холёр.— Отамга икки-уч йил бўлди, ўлганди,— деди. Холёрнинг юраги қинидан чиқаёзди.— Отангнинг ака-укалари бормиди?— деди Холёр.— У ёғини билмайман,— деди Омонёр.— Биз сизларга меҳмонмиз, қани уйингни кўрсат бизларга,— деди. Омонёр ҳайрон бўлиб уйини кўрсатди.— Энамнинг отини Ойпарча дейди, ҳув, ана, қишлоқда, бора беришлар. Мен подаларни товириб, ошалал<sup>1</sup> олиб бораман,— деди.

Холёр билан Ойчинор, Ойпарчанинг уйи қаерда, деб сўраб борди, уйини топди. Ойпарча момо ҳам уйда ўтирган эди. Икки отлиқ бўсағасига келди. Югуриб чиқди, кўрди, биттаси фақиргина одам, биттаси беклардан, Ойпарча кўрқиб, нима қилшини билмай қолди. Улар отдан тушиб, кўришиб, фотиҳага қўл очиб сўрашди. Шунда Холёр айтди:— Чеча, сизнинг эрингизнинг оти Чориёрмиди?— Ҳа,— деди момо.— Унинг қандай ака-укалари бор эди?— Оҳ, замон қурсин!— деди момо.— Унинг бир акаси бор эди, отини Берди дер эди. Ул ҳам уйлапди, бола кўрмади, хотини дунёдан ўтди. Узини подшоликка навкарликка олиб кетди. Шундан бери подшоҳнинг ҳам, унинг ҳам дараги йўқ. Чолим бечора: «Бир Холёр деган укам бор эди, бир бойниқиде хизмат қилар эди, савдогарчиликка кетиб, дом-дараксиз бўлиб кетди», деб юрарди. Шукур бу ерда унча яқин бўлмаса ҳам қариндошлари бор.— Ҳов, чечажон! Мен шу йўқолиб кетган Холёр бўламан, ёнимдаги эса қизим бўлади,— деди.

Қайта бошдан қучоқлашиб кўришишди. Ойчинор ҳам

<sup>1</sup> Оши ҳалол.



ечиниб ўзининг кийимларини кийди. Омонёр ҳам подадан қайтиб келди. Улар ҳам қучоқлашиб кўришди. Таниш-билиш дегандай, ундан-бундан одамлар келиб, қариндош чиқиб, Холёр ҳам мартабага мингандай бўлиб қолди.

Орадан анча вақт ўтди. Омон билан Ойчинор севишиб қолди. Икковини тўй қилиб, унаштириб қўйишди. Орадан қанча вақт ўтди. Ойпарча момо ҳам оламдан ўтди. Уруғ-аймоқ бир бўлиб тасалли берди, қирқи ўтди. Ойчинор Қамбарни суриштириб юрди. Уни топиб Бобирнинг белгисини берди:— Кўп китоблар эди, баъзиларини ўғирлаб, олиб келиб яшириб қўйибман. Баъзиларини «Копир китоблар»; деб муллалар ўт қўйиб юборди. Ҳозир бу жойлар Шайбонийга қарайди. Бошқа жойларда карвонлар бор. Бир-икки йилдан буён у томонларга бормайди. Қанип, бир кун маслаҳатлашиб оламиз-да,— деди.

Орадан бир йилча вақт ўтди. Ойчинор ҳомиладор бўлиб, бир ўғил кўрди. «Онамнинг нияти ерда қолмасин»,— деб отини Чинорбек қўйди. Китобларни ҳам жам қилиб: «Берган ваъдамдан чиқайин, ахир бир кун бирон ишончли одамни топиб юбораман», деб юрди.

Юрт бекдан бекка алмашиб ўтган. Шайбонийнинг навкарлари итдай пзғишиб юрибди. Бир хилнинг молини, бир хилнинг борини, нима илинса, шуни олаётир. Тарлон бўзни ҳам яшириб кун кўраётир. Солиқ устига солиқ солаётир. Нечовлар боридан айрилиб йиғлаётир. Нечовларни ўлдириб бораётир. Ахир одамларнинг жонидан ўтди. Келган навкарни муштлаб, манглайини шишириб юбора берди. Ҳаммасини Ойчинорнинг гапи билан қила берди. Ойчинор ақллилиги билан элиниг оқсоқоли бўла берди. «Фалончи қишлоқ солиқ бермаётир»,— деб Шайбонийга арз устига арз бора берди.

Шунда Шайбоний навкарларнинг ўзини юборди, қайтиб келди. Шунда беш юз навкарни юбориб:— Боринглар, қишлоқни култета қилинглар, тирик қолганини ҳайдаб келинглар!— деб фармон берди. «Лашкар келаётир», даган хабар Ойчинорга етди. Одамларни йиғди.— Сизлар шунча иш қилдингизлар, энди тек турингизлар! Буларга мен ўзим жавоб бераман. Сизлар бола-чақалардан хабардор бўлинглар!— деб табладаги Тарлон бўзни эгарлаб: «Халқ ўлгунча, мен ўлайин, ҳамма гап мендан бўлган, бешов ўлгундан, боров ўлган яхши, аввало омон қайтарман», деб табладан олиб чиқди. Олдинги ўзининг кийимларини кийди. Омонёр подага кетган эди:— Холёр ҳарчанд:— Борма, ёш боланг бори!— деди, кўнмади. Тарлон бўзга миниб, якка ўзи қўшининг олдига чиқиб кетди.

Элнинг чеккан оҳига  
Чидолмади Ойчинор,  
Гўдаклар йиғлашига  
Туролмади Ойчинор.

Нечовларнинг молини  
Олиб кетиб боради,  
Нечовларни қўйдай қип  
Чолиб кетиб боради.

Не гўдаклар кўчада  
Энажон, деб йиғлади.  
Не бир мўйсафид чоллар  
Ун жонмиз, деб йиғлади.

Нечовларнинг қизини  
Олиб қочиб боради,  
Нечовларнинг молини  
Тепиб сочиб боради.

Чидай олмай Ойчинор  
Келганини қўймайди,  
Шул овулниги ичидан  
Бирор касов бермади.

Мана бугун қабоҳат  
Келаётир булутдай,  
Отга минди Ойчинор  
Қанот ёйган бургутдай.

Эли учун Тарлонни  
Эгарлади Ойчинор,  
Қиз бўлса ҳам бургутдай,  
Ораллади Ойчинор.

Совутини авайлаб,  
Кенг эгинга тайлади,  
Қалқонини кўтариб,  
Эгарига бойлади.

Бойлаб олди Ойчинор  
Қиличини белига,  
Икки қилпч найзани  
Ола берди қўлига.

Ҳар бир эгин қирдай бўп,  
Энди кетиб боради,  
Оқ саллали боболар  
Алқаб дуо қилади.

Бирга юрган келинлар  
Бу ким, дейишиб туради,  
Ойчинор, деб эшитиб,  
Еқа ушлаб қолади.

Чопиб чиққан одамнинг  
Бари дуо қилади,  
Буни кўриб Холёр  
Белга қувват олади.

— Ой боргину омон қайт,  
Билакларнинг зўр бўлсин,  
Яқин келган душманнинг  
Икки кўзи кўр бўлсин.

Парвардигор, худойим,  
Қуч берсин, қувват берсин,  
Саҳар турган саҳоба  
Урушда мадад берсин.

Қим берса-да дуони  
Ойчинор олаётир,  
Кўкрагини кенг ёйиб,  
Аста-аста бораётир.

От бошига ши тушса,  
Тулпор бўлса суринди,  
Даловлашган кўп лашкар  
Иўл устида кўринди.

Намойишга сардорлар  
Бойлаб ошти байроқни,  
Жаллодлар ёнбошига  
Тақиб олди қайроқни.

Бедовларнинг чанглари  
Урлаб борар осмонга,  
Менман деган навкарлар  
Жазман бўлибди жангга.

Келаётир кўп лашкар  
Баҳорнинг булутидай,  
Бораётир Ойчинор  
Қуйтоннийг бургутидай.

Эшак минган боболар  
Келди Чинор изидан,  
Худо ўзинг сақла, деб  
Ешлар оқар кўзидан.

Ясов тортган лашкарлар  
Келаётир изма-из,  
Лашкар билан Ойчинор  
Энди бўлди юзма-юз.

Лашкарларнинг бошлиғи  
Олдинга тез чиқади,  
Ойчинорга бир майдон  
Тиклаб қараб туради.

Узангига оёғини  
Қаттиқ-қаттиқ тиради,  
Ойчинорнинг қошига  
Келиб гапини сўради.

— Танмасини сўйламас,  
Сиз қаердан бўласиз,  
Нима учун бу ерда  
Олдимиздан чиқасиз?

Бизлар сизни билмаймиз,  
Қайси бекнинг улмасиз,  
Қаердадир бўстониз,  
Қимнинг жони-дилисиз?

Агар бекдан бўлсангиз,  
Олдимизда турмангиз,  
Бирор гапини бизлардан  
Ҳеч илтимос қилмангиз?!

От устида Ойчинор  
Бул сардорга сўйлади,  
Олдидаги найзасин  
Ерга қадаб тайлади.

— Мени асло бек, дема,  
Бекнинг юзи қурисин,  
Одамзоднинг душмани,  
Ерда ётиб чирисин!

Мени сўрмоқчи бўлсанг,  
Шу қишлоқдан бўламан,  
Халқим учун не бўлсам,  
Тақдиримдан кўраман.

Агар кетсанг индамай,  
Сенинг билан ишим йўқ,  
Ҳар нарсага хор бўлган  
Ҳавордаги бошим йўқ.

Сардор, ўзинг ўйлагин,  
Нимаси бор бергани?!  
Ҳаммасининг очликдан  
Қуриб борар силласи.

Ўз одамнинг ўлдирсанг,  
Сенга уят бўлмасми,  
Қонхўр, деган элатда  
Қора номнинг қолмасми?!

Бу гапларни эшитиб,  
Бекнинг қаҳри келади,  
Қиличини қинидан  
Шириллатиб олади.

— Менга фармон бергандир,  
Шу фармонни қиламан,  
Моли тугул қизини  
Тикка ҳайдаб бораман.

Сен қочмасанг йўлимдан,  
Бошинг тандан узилар,  
Тананг қолиб ҳаворда,  
Теракдайн чўзилар.

Бу гапларни айтган сўнг,  
Сардор қилич солади,  
Ўз бошининг кетганин  
Ўзи билмай қолади.

Қараб турган навкарлар  
Ол, деб отни солади,  
Жаҳанг-жиринг қиличлар  
Ҳавода пишқиради.

Танадаги қаллалар  
Кетаётир ғириллаб,  
Танасидан оққан қон  
Кетаётир шириллаб.

Намойишга кўтарган  
Ол байроқлар йиқилди,  
Сафи узун найзалар  
Дуч келганга суқилди.

Оралашган Ойчинор  
Тинмай бошни кесади,  
Дўланадай партиллаб  
Қалла ерга тушади.

Қаердандир ҳайқириб,  
Етиб келди Омонёр,  
Ушлаб минди бир отни,  
Ойчинорга берди ёр.

Уруш бўлди бир майдон,  
Тана чўзилиб қолди,  
Кўкат бўлган майдонлар  
Тўзғиб бузилиб қолди.

Сардори йўқ навкарлар  
Энди қочиб боради,  
От устида Омонёр,  
Аямайди, уради.

Навкарларни қочириб,  
Қайта берди иккови,  
Етган эди бир жойда  
Навкарларнинг иккови.

Қамонини кўтариб,  
Навкар жойидан туради,  
Ойчинорнинг тўшидан  
Аттанг, кўзлаб уради.

Оҳ, деб отнинг устидан  
Мард Ойчинор йиқилди,  
Фалак туғмаган эди,  
Қиз эмас, шундай улди.

От устида Омонёр  
Камончини кўради,  
Қалласини танадан  
Бориб жудо қилади.

Кўтараётир Омон  
Ойчинорнинг бошини,  
Тўхтатолмайди сира  
Кўздан оққан ёшини.

Чинорбекни кўтариб,  
Қелаётир Холиёр,  
Не бўлди, деб чопишар,  
Қараб турган одамлар.

Холиёр кеп боласин  
Упаётир юзидан,  
Чинқиради Чинорбек  
Ёш кетказиб кўзидан.

Энасининг кўкенини  
Исқаётир Чинорбек,  
Қўлларига юзини  
Суйқаётир Чинорбек.

Келган барча одамнинг  
Юрак-бағри эзилди,  
Кўздан оққан ёшлари  
Мунчоқдайин тизилди.

Ётган жойда Ойчинор  
Ҳамилини<sup>1</sup> ростлади,  
Шявирлайиб Омонга  
Аста-аста сўзлади.

— Ҳов, Омонжон, отажон,  
Гапга қулоқ солинглар,

---

<sup>1</sup> Қаддини маъносида.

Сандиқдаги нарсанинг  
Ҳаммасини олинглар.

Бундан бориб Амудан  
От соп кечиб ўтинглар,  
Бориб акам қўлига  
Совғамиз, деб тутинглар.

Агар мени сўраса,  
Шул томонда қолди, денг,  
Чиноримни кўрсатиб,  
Одам қилсин, деди, денг.

Бир замоннинг ёмони  
Ойчинорни ухлатди,  
Ииглаётир, на фойда,  
Қалбларини доғлатди.

Смон билан Холиёр  
Чинорни оп қўлига,  
Неча йўлларни юриб,  
Борди Бобир қўлига.

Бедов отлар йўлларда  
Ҳеч толмайин чопишди,  
Навқар экан акаси,  
Холиёр ҳам топишди.

Чинорбек ҳам улғайиб,  
Қатта ботир бўлбеди<sup>1</sup>,  
Саркарда бўлганини  
Қодир шоир кўрбеди<sup>2</sup>.

Одамзоддан ўтади;  
Фарзанд қолсин, ул қолсин  
Бўстон деган жаҳонда  
Унда униб гул қолсин.

Бу дostonни ўқиган  
Узоқ умр, йил кўрсин,  
Йилда юриб негади,  
Қўша-қўша ул кўрсин.

<sup>1</sup> Бўлиб эди.

<sup>2</sup> Кўриб эди.



Бу дostonни ёшликда  
Турди шоир айтгандир.  
Шундан бери ёдимда  
Йўқолмайин қолгандир.

Абдумўмин Қаҳҳоров  
Қўймай ёзиб олгандир,  
Уйлаб турсам бу дoston  
Энди адо бўлгандир.

Айтмай десам бу илҳом  
Асло қўймаё қайтайин,  
Буниси тамом бўлди,  
Бошқа дoston айтайин.